

Ўзбекистон республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти

Магистратура бўлими

**Қўлёзма ҳукукида
УДК: 33.338.465.431**

Худойбердиева Умида Комил қизи

**“Мамлакатни модернизациялаш шароитида ижтимоий инфратузилма
фаолиятининг ташкилий-иқтисодий асослари
(Қашқадарё вилояти мисолида)”**

Мутахассислик: 5A230102 – Иқтисодиёт (ижтимоий соҳа иқтисодиёти)

**Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

Иш кўриб чиқилди ва ҳимояга қўйилди

“Иқтисодиёт” кафедраси мудири:

_____ и.ф.н., доц. А.И.Рахматуллаев

“ _____ ” _____ 2014 йил

Илмий раҳбар

_____ и.ф.н., доц. З.С.Шохужаева

“ _____ ” _____ 2014 йил

Ҳимояга рухсат этилди

Магистратура бўлими бошлиғи:

_____ т.ф.н., доц. Холбаев Б.М

“ _____ ” _____ 2014 йил

Қарши - 2014

Мундарижа

Кириш	3
I боб. Ижтимоий инфратузилмани ташкилий асослари ва ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти	9
1. Ижтимоий инфратузилманинг мазмуни ва моҳияти.....	9
2. Ижтимоий инфратузилмани ташкилий асослари ва ривожлантирилиши.....	16
3. Ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти.....	29
I боб бўйича хулоса	37
II боб. Қашқадарё вилояти туманларида ижтимоий инфратузилманинг ҳозирги ҳолати.....	39
1. Вилоятда ижтимоий соҳанинг ҳозирги ҳолати.....	39
2. Вилоят туманларида таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш.....	48
3. Ижтимоий инфратузилма объектларини бошқариш муаммолари ҳамда уларнинг фаолиятига таъсир этувчи ташқи ва ички омиллар.....	58
II боб бўйича хулоса	69
III боб. Мамлакатни модернизациялаш шароитида ижтимоий инфратузилма фаолиятининг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш йўллари.....	71
1. Ижтимоий инфратузилма фаолиятининг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш.....	71
2. Ижтимоий инфратузилма соҳасини ривожлантириш ва самарадорлигини оширишнинг бозор механизмларини такомиллаштириш.....	78
III боб бўйича хулоса	86
Хулоса	88
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	91
Илова.....	101

КИРИШ

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.

Аҳоли турмуш даражасини ошириш ва фаровонлигини юксалтиришда ижтимоий инфратузилма хизматларининг роли беқиёсдир. Шунга кўра, мамлакатимизда ушбу соҳани ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Кейинги йилларда республикаимизда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш борасида аҳамиятли ютуқ ва муваффақиятларга эришилмоқда.

Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида мамлакатни модернизациялаш долзарб масалалардан ҳисобланади. Ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ижтимоий инфратузилманинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш самарадорликни оширишнинг асосий мезонларидан бири эканлиги исботланган. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилган: «2013-йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида яқка тартибдаги уй-жойларни қуриш кўламини янада кенгайтириш алоҳида ўрин тутиши зарур. Бу борада барчамиз бир фикрни чуқур англаб олишимизни истардим. Қишлоқларда такомиллаштирилган замонавий лойиҳалар асосида янги уй-жойлар қуриш ва қишлоқ аҳоли пунктларини комплекс равишда ривожлантириш – бу, аввало, одамларимизнинг турмуш тарзи ва менталитетини тубдан ўзгартириш бўйича эзгу мақсадларни кўзлайдиган қишлоқ аҳолиси ҳаётини сифатли ташкил этиш ва яхшилашга доир узоқ муддатли давлат дастурининг асосий маъно-мазмунини ташкил этади. Шу нуқтаи назардан аҳолига кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар сифатини

ошириш, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш орқали мамлакат аҳолиси фаровонлиги юқори бўлиши кўзда тутилган».

Мамлакатимизда ижтимоий соҳани ислоҳ этиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар тизимида қишлоқ аҳоли пунктларининг қиёфасини тубдан ўзгартириш, намунавий лойиҳалар асосида янги уй-жойлар қуриш, қишлоқда моҳият эътибори билан янги инфратузилмани шакллантириш ҳисобидан қишлоқ аҳолининг ҳаётини янада яхшилаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Ўзбекистон Президенти И.Каримов таъкидлаганларидек: «2013-йилда қишлоқ жойлардаги 353 та массивда умумий майдони 1 миллион 500 минг квадрат метр бўлган 10 мингта шинам уй-жойлар барпо этилди, бу кўрсаткич 2012-йилга нисбатан 17 фоизга кўпдир. Ушбу мақсадлар учун қарийб 650 миллион доллар қийматидаги маблағ йўналтирилди. Бунинг 106 миллион доллари Осиё тараққиёт банкининг кредит маблағларидир. Қишлоқларимизни обод қилиш, қишлоқ аҳолисининг турар-жой шароитларини яхшилаш бўйича бизнинг бундай тажрибамиз халқаро ҳамжамиятда катта қизиқиш уйғотмоқда»¹.

Ушбу масала юзасидан мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида қишлоқ жойларида намунали уй-жойлар қурилиши, кўп қаватли уйларда яшовчилар учун ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаётганлигидан далолатдир. Ушбу муаммонинг ечими, аввало ижтимоий соҳани тубдан техник - технологик ва инновацион янгиланишини талаб этади. Бу эса ўз навбатида мамлакатимизга жалб этилаётган инвестиция жараёнини такомиллаштиришни тақозо этади ва янги инновацион манбаларни соҳага киритиш лозимлигини билдиради. Вилоятимизда ушбу масалаларнинг кенг таҳлили ҳамда уларни янада

¹ Каримов А.И. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади // Халқ сўзи. – 2014 йил 18 январ.

чуқурроқ ўрганиш ва ҳал этиш танланган мавзунинг янада долзарб эканлигини изоҳлайди.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқотнинг объекти сифатида Қашқадарё вилояти ва Қарши туманининг ижтимоий инфратузилма объектлари танлаб олинган. Қарши туманида ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришнинг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар тадқиқотнинг предмети ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Тадқиқотнинг мақсади мамлакатни модернизациялаш шароитида ижтимоий инфратузилма фаолиятининг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш ҳамда жаҳон андозалари талабларига мос равишда фаолият кўрсатишини таъминловчи илмий - назарий ва услубий асосларини ишлаб чиқишга қаратилган бўлиб, ушбу мақсадни амалга ошириш учун диссертацияда қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш кўзда тутилган:

- Ижтимоий инфратузилманинг мазмуни ва моҳиятини назарий асосларини ёритиш;
- Ижтимоий инфратузилмани ташкилий асослари ва ривожлантиришнинг назарий жиҳатдан асослаш;
- Қашқадарё вилоятида ижтимоий соҳанинг ҳолатини ўрганиш;
- Вилоят туманларида таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш кўрсаткичларини таҳлил қилиш;
- Қашқадарё вилоятида аҳолининг ўқув муассасалари ва тиббий даволаниш масканлари билан таъминланганлик даражасини ўрганиш ва уларни таҳлил қилиш;
- Ижтимоий инфратузилма объектларини бошқариш муаммолари ҳамда уларнинг фаолиятига таъсир этувчи ташқи ва ички омилларни таҳлил қилиш;
- ижтимоий инфратузилма объектларининг самарадорлигини оширувчи иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш чора тадбирларини ишлаб чи-

қишдан иборат.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Мамлакатимиз аграр иқтисодиёти доирасида қишлоқ хўжалигида инфратузилмани ривожлантириш масаласи иқтисодчи олимлардан С.Н.Усмонов, Ч.Муродов, А.Р. Ваҳобов, Р.Хусанов, Қ. Ҳасанжонов, Н. Хушматов, К.Чориев, А.Абдуғаниев, Э.Акрамов, А.Жўраев, С.Жалолов, Т.Эргашев, А. Шокиров, С.Н.Хамраева ва бошқаларнинг тадқиқотларида ўрганилган ва кенг ўрин берилган.

Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили. Россиялик бир қатор олимлар илмий ишларида инфратузилмаларга ягона, умумий фикрдаги қарашлар мавжуд бўлмай айрим олимларнинг фикрича, инфратузилмалар – бу ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларининг ёрдамчи, кўмаклашувчи тармоқларидир², деб қарашган. Ўзбекистонлик олимлардан Ч. Муродов фикрига кўра, «инфратузилма жамиятнинг ишлаб чиқариш, ижтимоий ва номоддий жараёнларини қамраб олган бўлиб, турли – туман молиявий ижтимоий, ҳуқуқий, ахборот, экология, бошқарув ва бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш фаолиятини ўз ичига олади ва ишлаб чиқариш жараёнининг охирига натижасига бевосита таъсир кўрсатади».³

А.Р. Ваҳобов ўз тадқиқотларида «хизмат кўрсатиш соҳаси – бу ишлаб чиқариш тармоғи ва ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш учун шароитларни таъминлашга қаратилган халқ хўжалиги тармоқлари ва фаолият турларнинг мажмуасидир»⁴, деб таърифлаган.

Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи. Тадқиқотни олиб бориш жараёнида таққослаш, гуруҳлаш, занжирли алмаштириш, фарқлаш, иқтисодий математик ҳамда статистик усуллардан фойдала-

² Гукова А.В. Производственная инфраструктура в экономике региона. – М., “Экономика”, 2001 г. - 235 с.

³ Муродов Ч. Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида бозор инфратузилмасининг ривожланиши: Дисс...иқт.фан..докт. – Тошкент: ЎзБИИТИ, 2001. - 18 б.

⁴ Ваҳобов А.Р. Организация и развитие сферы услуг сельскому населению в условиях многоукладной экономики. Автореф. дис. канд. экон. наук. - Т.:НИИРР в АПК, 1997. – 7с.

нилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг назарий асоси сифатида, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов асарларида илгари сурилган назарий ва концептуал тамойиллар, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирларида ўзини-ўзи бошқариш органлари ролининг оширилиши тўғрисида Фармон ва фармойишлари, республика, МДХ ва хориж олимлари ва мутахассисларининг мавзуга доир таълимотлари, назарияларига таянилди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, диссертация ишида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан туман инфратузилмаси ҳолати ва самарадорлигини таҳлил қилишда, инфратузилма объектлари имкониятларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

- Ижтимоий инфратузилма соҳасининг мазмун-моҳияти ва ривожлантиришнинг объектив зарурлиги назарий жиҳатдан асосланган.
- Ижтимоий соҳасида самарадорлик кўрсаткичларнинг даражаси турли йўналишларда ҳар-хил турли натижа бериши аниқланиб, таклифлар ишлаб чиқилган.
- Ижтимоий инфратузилма билан шуғулланадиган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлил қилиниб, илмий-амалий таклифлар асосланган.
- Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва самарадорлигини баҳолашда унга таъсир этувчи ташқи ва ички омиллар таъсири таҳлил қилиниб, микро ва макро даражада ижтимоий соҳасида самарадорликни оширишга доир тавсиялар ишлаб чиқилган.

- Ижтимоий хизматларни ривожлантиришда аралаш, экспорт, импорт ва оила хўжаликларига оид тадбиркорликни ривожлантириш борасида давлатнинг ролини оширишга қаратилган тавсиялар асосланган.

Диссертациянинг таркиби. Магистрлик диссертацияси кириш, 3та асосий боб, 8 банд, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I боб. Ижтимоий инфратузилмани ташкилий асослари ва ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти

1. Ижтимоий инфратузилманинг мазмуни ва моҳияти

Ижтимоий инфратузилма таркиби соҳада ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлган хизматлар: маориф ва маданий муассасалар, спорт, турар жой ва коммунал хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва ҳимоя қилиш муассасалари, боғчагача, мактабгача бўлган болалар муассасалари, умумовқатланиш корхоналари, савдо, аҳолига хизмат кўрсатувчи транспорт, меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари, техника ҳавфсизлиги, ўқув-ишлаб чиқариш комбинатлари, соғломлаштириш муассасалари киради. «Ижтимоий инфратузилма» тушунчасига тўхталадиган бўлсак, бу ерда уни иқтисодиёт тармоқлари мажмуасининг мустақил бўғини сифатида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, «инфратузилма», «ижтимоий инфратузилма» атамалари ишлаб чиқариш жараёнларини ўрганишда ва жамият ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришда пайдо бўлган ҳамда ишлаб чиқаришнинг ривожланиши давомида бир-бири билан узвий алоқада ривожланган. Бундан ташқари ижтимоий инфратузилманинг маълум элементлар мажмуаси - бу умумий ишлаб чиқаришда инсоннинг самарали фаолият юритиши учун шароитларни яратиб берувчи жамият ишлаб чиқариш кучларининг бир қисмидир. Тарихий ривожланиш жараёнида ишлаб чиқариш кучларининг айрим турлари (транспорт, алоқа линиялари ва бошқалар) инсон фаолияти ва фаровон ҳаёти учун шароит яратиш билан боғлиқ бўлган бошқа ижтимоий вазибаларни бажариб келмоқда.

Ижтимоий инфратузилма мажмуаси – бу меҳнаткашларнинг меҳнат ва дам олиш учун қулай шарт-шароитларни таъминловчи, ягона республика иқтисодиёт тармоқлари мажмуасининг муҳим ва кенг ривожланган кичик тизимларидан биридир.

Замонавий қишлоқ инфратузилмасининг янада ривожланишига туртки бўлувчи омиллардан бири – бу ушбу соҳага янги тоифадаги мутахассисларни жалб қилиш ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги ишчиларнинг таълим ва квалификация даражаларини ошириш, уларнинг маданий ҳамда ахлоқий ўсиши, истеъмолининг ривожланиши ва такомиллашуви билан боғланган. «Қишлоқ ижтимоий инфратузилмаси» атамаси қишлоқ аҳоли пунктларида истиқомат қилувчи ва фаолият юритувчи аҳоли ўртасидаги иқтисодий ва умумий муносабатларни ҳамда улар томонидан ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш, шахснинг баркамол ривожланиши, индивидумларнинг жамият фаоллиги учун зарур бўлган ўзига хос неъматларни, яъни моддий ва номоддий хизматларнинг истеъмолини билдиради.

У ёки бу даражада қишлоқ ижтимоий ривожланиши қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлигининг натижалари сифатида ҳаққоний кўриб чиқишимиз мумкин. Аммо пировард натижалар нафақат қишлоқ хўжалиги ҳамда унга хизмат кўрсатувчи тармоқларнинг ривожланиш даражасига, балки барча қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш даражасига ҳам боғлиқ бўлади.

Агар бутун республиканинг ижтимоий инфратузилмаси ҳақида гап кетганда, (қишлоқ ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун йўналтирилган ресурсларнинг бир қисми илмий асосланганлигини ҳисобга олган ҳолда), унда ижтимоий инфратузилмасининг ривожланиш даражасини ҳисобга олишда қиймат ва натурал кўрсаткичларда кўрсатиш етарлидир, сўнгра ушбу маълумотларни йиллар бўйича нормативлари билан таққослаб чиқиб, ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун ажратиладиган ресурсларни қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти фаолиятининг умумий самара кўрсаткичлари билан солиштирилади.

Туман ичида ва туманлараро даражада ижтимоий инфратузилмага баҳо бериш эса анча мураккабдир. Хўжалик юритиш самараси қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига сарфланадиган энергетик ва моддий ресурсларнинг ҳажмига ҳам боғлиқ.

Ижтимоий инфратузилма қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

– меҳнат фаолияти инфраструктураси; халққа хизмат қиладиган транспорт, алоқа воситалари;

– социал маданий инфратузилма: турар жой, коммунал хўжалиги, умумий овқатланиш;

– маънавий ҳаёт маданияти инфратузилмаси: маданият, саёҳат, халқ маорифи;

– соғлиқни сақлаш инфратузилмаси: соғлиқни сақлаш, спорт ва ҳордиқ чиқариш муассасалари;

– бозор инфратузилмаси: ишлаб чиқарилган маҳсулотларни харидорларга етказиб бериш жараёнидаги хизмат турлари;

– муҳитни муҳофаза қилиш инфратузилмаси: атмосфера, сув, тупроқ, табиатни муҳофаза қилиш бўғинлари учун кўрсатиладиган хизматлар (1.1-расм).

Ижтимоий инфратузилмаларнинг бу гуруҳлари бир-бирлари билан узвий боғланган бўлиб, шахснинг камолатга етишида бениҳоя катта аҳамиятга эга.

I. Меҳнат фаолияти инфратузилмаси:

– аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга бориш билан боғлиқ бўлган хизматлар (такси, автобус, трамвай, троллейбус, метро, поезд, самолёт, пароход ва бошқа турдаги хизматлар);

– аҳолининг суткалик, ҳафталик, ойлик, йиллик бюджет вақтидан унумли фойдаланиши;

- аҳолининг иш жойларига ўз вақтида етиб бориши ва меҳнат унумдорлигининг ошишига;
- ишчиларнинг бўш вақтларда маданий ҳордиқ чиқариши каби хизматларни бажаради.



1.1-расм. Ижтимоий инфратузилманинг таркибий бўғинлари

II. Ижтимоий-маданий инфратузилма:

- аҳолининг турар жой билан таъминланиш ва унда нормал яшаш учун барча шароитларни яратиш хизматларини;
- аҳолининг яшаш ва ривожланиши учун зарур бўлган савдо шохобчалари хизматини;
- аҳолининг эҳтиёжи учун зарур бўлган овқатланиш шохобчалари кўрсатган хизматлари (ошхона, чойхона, ресторан, буфет);

– қишлоқда яшаш маданиятини шаҳар даражасига кўтаришга эришиш хизматларини;

– аҳолининг бўш вақтларидан ижтимоий, маданий ҳордиқ чиқариш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш тадбирларни амалга оширади.

III. Маънавий ҳаёт маданияти инфратузилмаси хизматлари:

– маданиятнинг барча хизмат кўрсатиш бўғинларини (театрлар, клублар, концерт бригадалари, халқ талантилари, кураш, футбол ва бошқалар) кенгайтириш;

– эришилган маданият ютуқлари кўрикларини ўтказиш;

– кино, фестиваль, кутубхона, қишлоқ ҳаётини юксалтириш билан боғлиқ бўлган хизматлар;

– ҳар хил саёҳатлар, дам олиш уйлари ташкил этиш;

– болалар яслилари, боғчалари, дам олиш оромгоҳлари ҳамда халқ маорифи билан боғлиқ бўлган хизматлар;

– янги таълим ва кадрлар тайёрлаш тўғрисидаги қонунларни амалда бажаришга эришишдаги хизматлар.

IV. Соғлиқни сақлаш инфратузилмалари қуйидагиларни амалга оширади:

– соғлиқни сақлашнинг замонавий талабларига мос келадиган муассасалар ва уларнинг хизмат сифатини ошириш;

– соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали кадрлар билан таъминлаш;

– дори-дармонлар билан таъминлаш, соғлиқни сақлаш маданиятини кўтариш;

– соғлиқни сақлаш тўғрисида чет мамлакатлар билан ҳамкорлик, «Қизил ярим ой» жамиятининг ролини қишлоқда ошириш;

– иш вақтини касаллик ҳисобига йўқотишни камайтириш тадбирларини амалга ошириш;

– қишлоқда даволаш муассасалари сонини кўпайтириш, сифатини яхшилаш;

– дорихоналар хизматини яхшилаш, пулли даволаш муассасалари иш фаолиятини яхшилаш;

– йирик даволаш марказларини ташкил этиш;

– аҳолининг соғлигини таъминловчи дам олиш уйлари, санатория, қайта даволаш ва дам олиш хизматларини кенгайтириш;

– спорт хизматларини кенгайтириш, қишлоқ аҳолисини жалб этиш, уларнинг самарасини ошириш ишлари.

V. Бозор инфратузилмаси хизматлари қуйидагилардан иборат:

– ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олувчи харидорларни топиш;

– маркетинг хизматларини аграр саноат мажмуи бўғинларига чуқур жорий этиш ва деҳқонларни бозор конъюктураси қонуниятлари билан яқиндан таништириш;

– деҳқон учун кенг кўламда товар сотиш рекламаларини тарғиб этиш;

– жаҳон бозорига чиқиш хизматларини бажаришни амалга оширишдан иборат.

VI. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш инфратузилмаси хизматлари:

– атмосферанинг ифлосланишига қарши кураш чораларини ўзида ифода этадиган тадбирлар;

– тупроқ эрозиясига ва тупроқ унумдорлиги пасая бориш қонуниинг ҳаракатини ўрганиш ва уни амалга оширилишига қаратилган хизматлар;

– сув тозаллиги, ундан унумли фойдаланиш билан боғлиқ бўлган хизматлар;

– кимёвий дориворлар фойдаланишини тартибга солиш хизматлари ва бошқалар.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш соҳасида хизмат кўрсатса, ижтимоий инфратузилма эса инсоннинг саломатлиги, унинг меҳнат қобилиятини тиклаш тадбирларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган хизматларни бажариб, ишлаб чиқариш жараёнига билвосита таъсир этадилар.

Қишлоқ уй-жой коммунал қурилиши воситаларининг асосий қисми соҳа бўйича капитал қўйилма сифатида ноишлаб чиқариш асосий фондларга ажратилмоқда. Улар ижтимоий инфратузилманинг асосий объектларини кўтариш учун мўлжалланган бўлиб, улар таркибида уй-жой фонди, соғлиқни сақлаш муассасалари, мактабгача ёш болалар муассасалари ва бошқалар мавжуд. Шу билан бирга улар ичида икки гуруҳни ажратиш мумкин:

Биринчиси – хўжалик ҳудудда жойлашиши зарур бўлган, яъни ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлган, эҳтиёжларни қондириш учун мўлжалланган объектлар, яъни маиший, умумий овқатланиш, маданият ва дам олиш, соғлиқни сақлаш, кўриқхона ва ёнғин хавфсизлиги ва бошқаларни киритиш мумкин. Уларнинг барчаси чорвачилик мажмуаларда, машина-трактор парки ва дала шийпонларида жойлаштирилиши зарур. Уларнинг қуввати, сифат кўрсаткичлари ишловчиларнинг сони, ишлаб чиқаришнинг тавсифига ва технологик жараёнларига боғлиқ ҳолда илмий асосланган нормалардан келиб чиқиб ҳисобга олиниши лозим.

Иккинчи гуруҳга - ишлаб чиқариш объектларидан ташқарисида жойлашган, инсон ҳаёти учун шароитлар яратувчи, ялпи ижтимоий инфратузилма объектлари киради. Унинг таркибига иш вақтидан бўш вақтида зарур бўлган инфратузилма тармоқ ва объектларининг бир қисми киради: уй-жой коммунал хўжалиги, маиший хизмат, соғлиқни сақлаш, маориф, маданият муассасалари ва бошқалар, яъни нафақат қишлоқ хўжалиги корхоналарида бевосита ишловчиларга зарур бўлган, балки уларнинг фаолият тури ва ижтимоий келиб чиқишидан, қайси соҳага таалуқли бўлишидан

катъий назар аҳолининг барча қатламларига зарур бўлган барча объект ва хизмат турлари киритиш мумкин.

Икки гуруҳга бўлишдан мақсад, бевосита қишлоқ хўжалиги корхоналарида ижтимоий-маиший шароитларни таҳлил қилишда зарур бўлади, шунингдек, ижтимоий инфратузилма элементларининг ривожланишига объектив баҳо бериш учун ҳам зарурдир. Агарда ишлаб чиқариш ҳамда технология мураккаблиги бир хил даражада ва хусусиятда бўлганида ушбу гуруҳларда сезиларли фарқлар аниқланган бўлса, меъёр даражасига етиш учун зарур бўлган ресурсларнинг ҳажмини ҳар бир ишлаб чиқариш объекти буйича (чорвачилик мажмуаси, машина-трактор парк) аниқлаш зарур, сўнгра ҳар бир тармоқ буйича ҳисоблаш зарур. Ушбу баҳога мос равишда ижтимоий инфратузилма объектларининг хизматлари билан тенг равишда тўлиқ таъминлангунга қадар қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан зарур бўлган маблағларнинг ажратиш муддатини белгилаб олиш керак бўлади.

2. Ижтимоий инфратузилмани ташкилий асослари ва ривожлантирилиши

Инфратузилма жуда кенг қамровли тушунча бўлиб, бу энг аввало ишлаб чиқариш жараёнига ҳар тарафлама хизмат кўрсатадиган хизмат турларини яратиш билан боғлиқ.

Ҳозирги замон иқтисодиёт фанлари тизимида инфратузилмалар масаласи алоҳида ўрин тутди. Хусусан, «инфратузилма» тушунчаси ғарб иқтисодий адабиётларида ўтган асрнинг 40-йиллари охирида юзага келди. Уни иқтисодиётнинг мустақил тизими сифатидаги ўрнини ўрганишга зарурият, бир томондан, инфратузилмаларнинг замонавий меҳнат тақсимооти чуқурлашуви пировард натижаси сифатида шаклланганлиги, иккинчи томондан, бутун бир иқтисодиёт сингари инфратузилмалар ҳам фақат бозор

механизмлари таъсир кучи билан ривожлана олмай, балки унга давлатнинг алоҳида эътибори талаб қилиниши билан шаклланди.

Инфратузилмалар тизимида амалга ошириладиган ишлаб чиқариш муносабатлари моҳияти мазкур тушунчага турлича таърифларни юзага келтирди. Яъни, инфратузилмалар тизимидаги ишлаб чиқариш – хизмат кўрсатишда моддий ишлаб чиқаришдан фарқли равишда ишлаб чиқариш билан истеъмол муносабатларининг бир пайтда амалга ошади. Шунингдек, тизимда яратилаётган қиймат тўғридан-тўғри товар маҳсулот ёки фойда кўринишида шаклланмасдан, билвосита, айтилиши моддий ишлаб чиқариш пировард маҳсулоти таркибида шаклланади. Инфратузилмаларнинг ижтимоий, маиший, бозор шаклларида эса бу жараён янада мураккаб «масофа»ни босиб ўтиб, уларнинг баъзиларида (ижтимоий ва маиший инфратузилмаларда) яратилаётган қиймат ишчи кучи такрор ишлаб чиқариши орқали, баъзиларида (бозор ва маиший инфратузилмаларда) эса ресурслар, ишлаб чиқариш қувватлари ва бозор механизмлари тизимида намоён бўлади.

Шунинг учун ҳам инфратузилма тушунчасига таъриф берилганда айрим тадқиқотчилар уни товарлар шакли ва ишлаб чиқариш жараёнларига бевосита алоқадор бўлмаган, шунингдек, ишлаб чиқарувчига тўғридан-тўғри фойда (ёки даромад) келтирмайдиган «жамият сарф харажатлари» сифатида баҳоласалар, айрим тадқиқотчилар ишлаб чиқариш амалга оширилишини ва самарадорлигини таъминлашнинг зарурий характердаги шартлар (йўллар ва коммуникациялар тармоғи, транспорт воситалари ва қатнови, ер қурилиши ва бошқ.) мажмуаси, дея эътироф этадилар. Бу гуруҳ тадқиқотчилар фикрича, инфратузилмалар тизимининг самарали ташкил этилиши бозор хўжалиги шароитидаги корхоналар харажатларини қисқартириш, капитал ҳаракати жараёнини енгиллаштириш, жамият миқёсидаги талаб ва бандлик даражасини ошириш, шунингдек, фойда нормасини кўпайтириш имконини беради.

Замонавий хорижий, хусусан, АҚШ ва Ғарбий Европа иқтисодий адабиётларида инфратузилмаларни тавсифлашда кўп ярусли ёндошув мавжуд. Жумладан, макроиқтисодиёт даражасида инфратузилмалар – бу фуқаролар ва корхоналар томонидан фойдаланиладиган ва одатда давлат томонидан ташкил этиладиган капитал иншоотлар, тизимлардир. Буларга автомагистраллар, кўприклар, шаҳар транспорт тизими, сув тозалаш иншоотлари, муниципал сув таъминоти тизимлари, вокзал ва аэропорт кабилар киради.

Корхоналар ёки микродаражадаги инфратузилмалар эса маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида қатъий зарур ва шарт ҳисобланган, айти пайтда ўз кучи ва имконияти билан барпо этиш жуда ҳам қиммат бўлган, шунинг учун ҳам давлат ва бошқа ихтисослашган корхоналар томонидан ташкил этиладиган хизмат ва иншоотларни ўз ичига олади. Уларга сув таъминоти, электро-энергия, ишлаб чиқариш чиқиндиларини ташиб чиқариш, юк қатнови, илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкция ишлари, банк ва молия хизматлари ва бошқалар киритилади⁵.

Худди ғарб иқтисодий тадқиқотчилик тизимида бўлгани каби, яқин хориж, жумладан, россиялик бир қатор олимлар илмий ишларида ҳам, қолаверса, миллий тадқиқотчиликда ҳам инфратузилмаларга ягона, умумий фикрдаги қараш мавжуд эмас. Жумладан, айрим россиялик олимларнинг фикрича, инфратузилмалар – бу ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларининг ёрдамчи, кўмаклашувчи тармоқларидир⁶.

Рус олими И.Ф.Чернявский эса инфратузилмаларга тавсиф беришда бир мунча мураккаб позицияни қўллайди ва мазкур соҳа «имиджи»га юқори баҳо беради. Унинг фикрича, «Инфратузилмалар бу йўллар, каналлар, сув иншоотлари, портлар, кўприклар, аэропорт ва вокзаллар, омбор ва электр

⁵ Макконнелл Кэмпбелл Р., Брю Стэнли Л. Экономикс: Принципы, проблемы и политика. В 2 т.: Пер.с англ. 11-го изд. Т.2 – М., Республика, 1992. - 400с.

⁶ Гукова А.В. Производственная инфраструктура в экономике региона. – М., “Экономика”, 2001 г. - 235 с.

таъминоти хўжаликлари, алоқа, сув таъминоти ва канализация, таълим, фан хўжалиги, соғлиқни сақлаш кабиларни барпо этиш, ташкил қилиш, фаолиятини йўлга қўйиш орқали саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига хизмат кўрсатувчи халқ хўжалиги мустақил тармоқлари мажмуасидир»⁷.

Ч. Муродов фикрига кўра, «инфратузилма жамиятнинг ишлаб чиқариш, ижтимоий ва номоддий жараёнларини қамраб олган бўлиб, турли – туман молиявий ижтимоий, ҳуқуқий, ахборот, экология, бошқарув ва бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш фаолиятини ўз ичига олади ва ишлаб чиқариш жараёнининг охирига натижасига бевосита таъсир кўрсатади»⁸.

А.Р. Ваҳобов ўз тадқиқотларида «хизмат кўрсатиш соҳаси – бу ишлаб чиқариш тармоғи ва ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш учун шароитларни таъминлашга қаратилган халқ хўжалиги тармоқлари ва фаолият турларнинг мажмуасидир»⁹, деб таърифлаган.

Бизнингча, ижтимоий инфратузилма – инсоннинг ҳар томонлама камолат топиши ва унга эришиш соҳасида кўрсатиладиган хизматлар йиғиндисидир.

Умуман олганда инфратузилма соҳасига таъриф берганда унинг бир нечта жиҳатларга эътибор бериш лозим:

– хизматлар кўрсатиш тизимида иқтисодий муносабатлар тизимини ташкил этади;

– инфратузилманинг ривожланиши ва таракқий этиши кўпгина ҳолларда у хизмат қилаётган соҳанинг ривожланиш даражасига боғлиқ бўлади ва аксинча;

⁷ Чернявский И.Ф. Инфраструктура сельскохозяйственного производства: (Вопросы, теории и практики). – М., Экономика, 1979. – 232 с.

⁸ Муродов Ч. Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида бозор инфратузилмасининг ривожланиши: Дисс...иқт.фан..докт. – Тошкент: ЎзБИИТИ, 2001. - 18 б.

⁹ Ваҳобов А.Р. Организация и развитие сферы услуг сельскому населению в условиях многоукладной экономики. Автореф. дис. канд. экон. наук. - Т.:НИИРР в АПК, 1997. – 7с.

– инфратузилма тармоғининг турлари қайси соҳага хизмат қилишига боғлиқ;

– жамият ривожланиши, тараққий этиши билан инфратузилма тармоғининг хизмат кўрсатиш турлари кенгайиб боради.

С.Н.Хамраева томонидан эса «инфратузилма, бу – ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқларининг мутаносиб фаолият юритиши ва аҳоли турмуш даражасини оширишга кўмаклашувчи хизматлар мажмуаси ва уларнинг бино – иншоотларидир»¹⁰, деб таъриф берилган.

Бироқ ҳозирги вақтгача ижтимоий инфратузилманинг комплекс ривожлантириш даражаларини белгиловчи нормативлар тизими ишлаб чиқилмаган. Амалдаги идоравий меъёрлар ва нормативлар одатда, ижтимоий мақсадларга йўналтириладиган ресурслардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги тизимига асосланади. Шаҳарлар, шаҳарчалар ва қишлоқ аҳоли пунктларини режалаштиришда ҳамда қуришда қўлланиладиган қурилиш меъёрлари ва қоидалари мажбурий тусда эмас, чунки уларда қишлоқ жойлар ва шаҳар манзиллари ижтимоий инфратузилмаси ўртасидаги алоқа ҳисобга олинмайди. Шу туфайли ижтимоий инфратузилма барча унсурларини мажмуа тарзида мувозанатланган ривожлантиришга эришиб ҳам бўлмайди.

Бугунги кунда республикамизда ижтимоий объектларни қуриш ва ривожлантириш масаласига ҳукуматимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда, (2.1-жадвал).

Бироқ, айрим тавсия этилаётган меъёрларни зудлик билан қайта кўриб чиқиш масаласи кўндаланг турибдики, бунда фикримизча, ижтимоий инфратузилманинг меъёрий базаси ва ижтимоий нормативлар тизими қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

¹⁰ Хамраева С.Н. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини ривожлантириш йўллари: Дис.автореф...икт.фан..номз. – Тошкент: 2009. - 24 б.

- мақсадли нормативлар.
- ижтимоий инфратузилма муассасалари хизматлари билан таъминланишнинг энг кам даражаси;
- фаолият шароитининг комплекс ижтимоий андозалари;
- иқтисодий нормативлар (қиёсий сарфлар нормативлари, фойдаланилаётган ресурслар учун тўловлар).

2.1 - жадвал

Ижтимоий инфратузилма объектларини ривожлантирилиши

т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2012 йил	2013 йил
1	Уй-жой қуриш, жами	минг. кв м	6964,5	7239,8
	шундан:			
2	Якка тартибда уй-жой қуриш	минг. кв м	6874,3	7136,3
3	қишлоқ жойларда	минг. кв м	6112,4	6214,0
4	Касалхоналар	жойлар сони	240	365
5	қишлоқ жойларда	жойлар сони	180	205
6	Шифоатхоналар (ҚВП билан)	қабуллар сони	2310	1705
7	қишлоқ жойларда	қабуллар сони	2210	1295
8	Умумтаълим мактаблари	ўрин	212393	217945
9	Шунингдек, капитал ремонт	ўрин	374664	408482
10	Академик лицейлар	ўрин	12885	14655
11	Касб – ҳунар коллежлари	ўрин	110940	113195
12	қишлоқ жойларда	ўрин	86385	93810
13	Газ қувурлари	км	774,5	824,3
14	қишлоқ жойларда	км	710,7	724,2
15	Ичимлик сув қувурлари	км	1900,7	2666,8
16	қишлоқ жойларда	км	1641,6	1865,1

Ижтимоий нормативлар тизимини ишлаб чиқишда минтақавий хусусиятлар, шаҳар ва қишлоқ жойларда, аҳоли турмуш тарзи ва бошқа кўп жиҳатлар ўртасидаги тафовутларни ҳисобга олмоқ лозим. Улар доирасида қуйидаги жамлама омилларни ажратиш мумкин:

Жўғрофий омиллар – аҳоли жойлашув таркиби, шаҳарлашув (урбанизация) даражаси; биологик иқлим хусусиятлари, табиий иқлим шароитининг меҳнат жараёни ва режимига, иқтисодиёт тармоқларининг ихтисослашуви, меъморчиликка таъсири, рекреация имкониятлари ва улардан фойдаланиш даражаси; табиий ресурслар билан таъминланганлик ва табиатдан фойдаланиш хусусияти.

Демократик омиллар – аҳолининг кўпайиш режими, унинг сони, таркиби ва табиий кўчиб юриш таъсирида жойлашувнинг ўзгариши, аҳоли миграцияси ва сафарбарлиги; аҳоли ва меҳнат ресурсларининг жинсий ва ёш таркиби; оилаларнинг шаклланиши, ўсиш ва ажратиш шароити, уларнинг тури ва таркиби, миграция туси, миграция оқимлари таркиби, аҳолининг миллий таркиби, айрим миллатлар ва элементларни зич ёки тарқоқ яшаш даражаси:

Ижтимоий омиллар – ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланиш даражаси ва ўсиш истиқболи, минтақанинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги улуши; ҳозирги босқичда ва истиқболда иқтисодиёт тармоқларининг таркиби, бошқарув тизими, минтақада илмий-техник тараққиёти туси, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзи, миллий ва маиший хусусиятлар, анъанавий этник қадриятлар, уларнинг меъморчиликда акс этиши; минтақада яшовчи миллатлар ва элатларнинг, миллий ва этнографик гуруҳларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиши ҳамда маданий эҳтиёжлар туси ва тил тараққиёти.

Мазкур омилларни минтақавий хусусиятлар ва бошқа аломатлардан келиб чиқиб, сифат ва аралаш тавсифлар бўйича ташкил қилиш; улардан ҳал

этиш заруратига кўра, энг долзарб омиллари ажаратиш мумкин. Иқтисодийнинг ижтимоий соҳага йўналтирилиши ижтимоий инфратузилмани мустақил бошқарув объекти, уни ривожлантириш муаммоларига тизимли ёндашув сифатида алоҳида ажратиш олишни шарт қилиб қўяди.

Инфратузилманинг яхлит бошқарув объекти сифатида ажратилиши бутун иқтисодий тармоқлари мувозанатли ва мутаносиблик асосида ривожлантирилиши, минтақалар ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги номутаносибликларга барҳам бериш имконини яратади. Ижтимоий адолат принципларини рўёбга чиқаришдан иборат мақсад ижтимоий инфратузилмани шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий вазифаларини маҳаллий бошқарув идоралари, ҳокимликлар қўлига топширишни тақозо этади.

Кучли ижтимоий сиёсат юритиш муаммолари ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни давлат вазифаси даражасига кўтаришни, айти вақтда молиялаш манбаидан қатъи назар, инвестиция сиёсатини, уни амалга оширишнинг барча белгиланган афзалликлари билан бирга қайта кўришни тақозо этади.

Республикамизда қишлоқ ободонлигини ҳамда унинг аҳолиси фаровонлигини таъминлаш давлатимиз иқтисодий сиёсатининг диққат марказида бўлиб келмоқда. Айниқса, қишлоқ аҳолисини уй-жой билан таъминлашнинг аҳамиятли чора-тадбирлари амалга оширилиши натижасида мазкур кўрсаткич сезиларди даражада ўсиб бормоқда. Агар 2002 йилда қишлоқ уй-жой фонди 180,5 млн. кв. метрни ташкил этган бўлса, 2012 йилда 240,9 млн. кв. метрга етган. Умуман олганда, 2002-2012 йиллар давомида республика бўйича жами уй-жой фондининг ўсиш даражаси 127,4% ни ташкил этгани ҳолда, бу кўрсаткич шаҳарда 118,6% ни, қишлоқда 133,5% ни

ташкил этган. Бу эса қишлоқ фаровонлиги ва ободончилигининг ошишида муҳим шарт-шароит яратади.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида ҳам қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитини яхшилаш чора-тадбирларини кучайтириш кўзда тутилган. Бунинг учун энг аввало якка тартибда уй-жой қуриш дастурини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шу асосда қишлоқ жойларида 7100 минг кв.м уй-жой қурилиши амалга оширилди. Албатта, бу жараёнларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун имтиёзли кредитлар ажратиш кўзда тутилган. Шунга кўра, 2012 йилда қишлоқ яшаш жойларини тўла инвентаризациядан ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Уй-жой қурилиши ишларини жадаллаштириш, уларни изчил амалга ошириш мақсадида хусусий қурилиш уюшмалари фаолиятини ташкил этишни йўлга қуйиш муҳим тадбирлардан ҳисобланади. Ушбу жараёнларни аҳоли кенг эътиборига етказиш борасида қишлоқларда қурилаётган намунали уй-жойлар тўғрисида ахборот берувчи «Шинам уй» телекўрсатувини ташкил этиш ҳам кўзда тутилган.

Кейинги йилларда қишлоқдаги аҳолининг ҳар 1 киши ҳисобига уй-жой билан ўртача таъминланганлиги ошиб бормоқда. Айти пайтда, ободончилик даражасининг ошишига таъсир қилувчи шарт-шароитлар ҳам яхшиланиб бормоқда. Масалан, табиий газ билан таъминланганлик даражаси 1996 йилдаги 58,6% дан 2012 йилда 78,4% га, водопровод билан таъминланганлик даражаси 23,9% дан 65,1% гача ошган. Бироқ ҳали қишлоқ ободончилигини таъминлашда ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ҳам мавжуд. Жумладан, йиллар давомида ошиб бораётганлигига қарамай, бугунги кунда қишлоқдаги уй-жойларнинг марказий иситиш воситалари (17%), канализация (19%), иссиқ сув таъминоти (10,5%), ванна (12%) билан таъминланиш даражаси жуда паст.

Шунга кўра ҳозирда қишлоқ ҳудудларини сув билан барқарор таъминлаш бўйича 1836 км янги сув тизимини қуриш, 304 та объектни реконструкция қилиш, бу борадаги 2010-2015 йилларга мўлжалланган дастурни ишлаб чиқиш тадбирларини ҳам ўз ичига олади. Шу қаторда 2009 йилда узунлиги қарийб 700 километрлик табиий газ тармоқларини ишга тушириш, чекка туманларни суюлтирилган газ билан таъминлашни тубдан яхшилаш белгиланган.

Қишлоқ жойларининг ободонлиги ва аҳолисининг фаровонлигини автомобиль йўллари ва транспорт воситалари тизимисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шунга кўра 2009 йилдан бошлаб қишлоқ жойларда автомобиль йўлларини ривожлантириш ва транспорт хизматини яхшилаш мақсадида 67 та янги автомобиль маршрутлари йўлга қўйилди ва 1913,9 км маҳаллий йўллар таъмирланди.

Аҳоли турмуш даражаси кўп жиҳатдан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг ривожига боғлиқ. Айниқса, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш даражаси қишлоқдаги турмуш фаровонлигига сезиларли таъсир кўрсатади. 2012 йилда хизмат кўрсатиш ва сервисни янги сифат даражасига кўтариш, жумладан, қишлоқда хизматлар соҳасида 140 минг янги иш жойлари ташкил этиш, 452 та савдо магазинлари, 1856 та маиший хизмат корхоналари, 500 дан ортиқ минибанклар ташкил этиш, қишлоқ аҳоли яшаётган жойларда тельефон ва алоқа тизимини тубдан яхшилаш, спорт ва туризмни ривожлантириш тадбирлари белгиланган.

Шунингдек, қишлоқ жойларни ободонлаштириш ишларини изчил тизимга солиш, уларни мунтазам равишда олиб бориш мақсадида ободонлаштириш моддий техника базасини мустаҳкамлашнинг 2010-2013 йилларга мўлжалланган дастурини ишлаб чиқиш, ободонлаштириш ишлари ташкил қилиш ва рағбатлантириш қоидаларини тайёрлаш жараёнлари амалга оширилмоқда.

Ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш ўз ичига маҳаллий қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қишлоқда янги қурилиш технологияларини қўллаш ишларини ҳам олади. Бунда янги қурилиш материаллари ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш, модернизациялаш ва техник қайта қуrolлантириш тадбирлари кўзда тутилади. Қишлоқ жойларида 77 та янги қурилиш материаллари фирма магазинларини ташкил қилиш ҳам шулар жумласидандир.

Қишлоқни ёқилғи энергетика захиралари билан барқарор таъминлаш учун қулай шароитни яратиш борасида мавжуд электр ва газ тармоқларини тўла инвентаризация қилиш, янги электр ва газ тармоқларини қуриш, мавжудларини капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш, узоқ жойларда жойлашган қишлоқларни газ ва кўмир билан таъминлашга мўлжалланган сервис марказларини ташкил этиш белгиланган.

Қишлоқларнинг қиёфасини янгилаш, қишлоқда истиқомат қилувчи аҳоли учун муносиб турмуш тарзини шакллантиришда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларининг аҳамияти катта. Айниқса аҳолини тоза ичимлик суви, электр қуввати, газ билан таъминлаш, замонавий йўллар ҳамда бошқа коммуникация тармоқлари қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги учун ўта муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда нафақат замонавий ва қулай уй-жойлар ва коттеждлар қуриш, айна вақтда болалар боғчалари, умумтаълим мактаблари, мусиқа ва санъат мактаблари, спорт иншоотлари, тиббиёт муассасалари, хизмат кўрсатиш объектлари, кенг ва равон йўллар, яъни, қишлоқ аҳолисининг қулай ва муносиб ҳаёт кечириши учун зарур бўлган барча шароитларни ўз ичига оладиган замонавий ва обод қишлоқларни барпо этиш кўзда тутилмоқда.

Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш орқали аҳоли яшаш шароитларини янада яхшилаш, турмуш даражасини ошириш ва халқ

фаровонлигини таъминлашга эришиш мақсад қилиб қўйилгандир. Ҳукуматимиз томонидан инфратузилмаларни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган йирик давлат дастурлари натижасида ҳудудларда бир қатор диққатга сазовор ишлар қилинди.

Республика бўйича жами 964,2 км газ тармоқларида қурилиш ва реконструкция ишлари тўлиқ якунланиб, фойдаланишга топширилди; 2,3 минг км сув тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилган; 366 та (19 млрд. сўмлик) қишлоқ аҳоли пунктларида сув объектлари қуриб, фойдаланишга топширилган.

2013 йилда 28 та янги касб-ҳунар коллежи қурилди, 381 та умумтаълим мактаби, олий ўқув юртлари тизимидаги 45 та объект, 131 та касб-ҳунар коллежи ва лицейлар реконструкция қилинди ва капитал таъмирланди. Шунингдек, 55 та болалар мусиқа ва санъат мактаби, 112 та болалар спорти объекти ва 4 та сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилиб, уларнинг барчаси зарур ускуна ва инвентарлар билан жиҳозланди.

Ҳудудларда 2100 та кўп хонадонли уйлар тўлиқ капитал таъмирланиб, мазкур ишларга маҳаллий бюджет манбалари ҳисобидан 24,2 млрд. сўмлик маблағ сарфланган.

Қишлоқларнинг таракқиётини юксалтириш, уларни замонавий архитектура талаблари асосида қайта қуриш, ижтимоий инфратузилмаларни ва коммуникация тизимларини кенг кўламда барпо этиш қишлоқ аҳолисининг фаровонлигини юксалтириш, улар учун муносиб турмуш тарзини шакллантиришга қаратилгандир, (2.2 - жадвад).

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, қишлоқда уй-жой қуриш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни жадаллаштириш дастури замирида жуда улкан ҳажмдаги ишлар мужассам эканини, у ўн минглаб янги иш ўринларини яратиш, ана шу

кенг кўламли бунёдкорлик ишларида мамлакатимиз аҳолисининг фаол иштирокини таминлаш имконини беришини унутмаслигимиз керак.

2.2 - жадвал

Ўзбекистонда хизматлар ҳажмининг ўсиш суръати (ўтган йилга нисбатан фоизда)

т/р	Хизмат турлари	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил
1	Жами хизматлар	126,6	121,3	116,7	113,2
2	Савдо ва умумий овқатланиш	132,5	126,8	121,8	115,7
3	Транспорт хизматлари	121,1	112,7	110,4	107,1
4	Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	151,5	140,1	121,6	129,0
5	Молия хизматлари	123,8	132,2	124,7	122,6
6	Туристик-сайёҳлик хизматлари	122,3	140,1	121,6	112,7
7	Меҳмонхона хизматлари	109,3	122,5	112,3	109,0
8	Коммунал хизматлар	109,3	108,4	101,1	99,1
9	Маиший хизматлар	128,0	129	122,6	121,8
10	Автомобиллар ва бошқа техникани таъмирлаш хизматлари	138,7	139,2	130,2	124,4
11	Бошқа хизматлар	142,5	130,6	128,6	120,5

Кейинги йилларда қишлоқ жойларида ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар қуйидагилардан иборат:

– жами 964,2 км газ тармоқларида қурилиш ва реконструкция ишлари тўлиқ якунланиб, фойдаланишга топширилди;

– 2,3 минг км сув тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди;

– 366 та қишлоқ аҳоли пунктларида сув объектлари қуриб фойдаланишга топширилди;

– Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 182 та замонавий лицей ва коллежларда ҳамда 697 та мактабларда қурилиш ишлари тўлиқ якунланди.

Маҳаллий бюджет ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан:

– жами 1,5 мингга яқин мактаб ва мактабгача таълим муассасалари (17,7 млрд. сўмлик);

– 246 та касалхона ва қишлоқ врачлик пунктлари (6 млрд. сўмлик);

– 84 та спорт объектлари (8,2 млрд. сўмлик) тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилди;

– 2100 та кўп хонадонли уйлар тўлиқ капитал таъмирланиб, мазкур ишларга маҳаллий бюджет манбалари ҳисобидан 24,2 млрд. сўмлик маблағ сарфланди.

1.3. Ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти

2013 йилда ижтимоий соҳани янада ривожлантириш борасида аҳоли турар жой шароитларини яхшилаш тадбирларига катта эътибор қаратилди. Ҳудудларда 2100 та кўп хонадонли уйлар тўлиқ капитал таъмирланиб, мазкур ишларга маҳаллий бюджет манбалари ҳисобидан 24,2 млрд. сўм маблағ сарфланиб, қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини ривожлантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди (3.1-жадвал).

3.1-жадвал

2013 йилда ижтимоий инфратузилмаларнинг ривожлантирилиши

т/р	Кўрсаткичлар	Режада	Амалда	Бажарилиши, %да
1	Табиий газ таъминоти, км	180,4	197,2	109,3
2	Ичимлик сув тармоқлари қувурларини қуриш, км	1168	1665	142,6
3	ҚАПда ичимлик сув таъминоти объектларини реконструкция қилиш, ҚАП	304	366	120,4
4	Ободонлаштириш бошқармаларини махсус техникалар билан жиҳозлаш, дона	2086	2100	100,7

Жадвал маълумотларидан кўринадик, йил давомида қишлоқ жойларда 197,2 км узунликдаги табиий газ, 1665 км узунликдаги ичимлик сув тармоқлари қувурларини тортиш, 366 та қишлоқ аҳоли пунктларида ичимлик сув таъминоти объектларини реконструкция қилиш, ободонлаштириш бошқармаларини 2100 дана махсус техникалар билан жиҳозлаш, 134 та кўп қаватли уйларни мукамал таъмирлаш ишлари амалга оширилган.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини юксалтиришга, қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартиришга, жаҳон андозаларига мос келувчи замонавий архитектура ва дизайн асосда барпо этиладиган, барча қулайликлар ва коммуникация тизимларига эга бўлган шинам уй-жойлар барпо этишга, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг 13,4 млн. нафари ёки 48,4 фоиз қисми қишлоқда, 14,3 млн. нафари ёки 51,6 фоиз қисми шаҳарда истиқомат қилади.

Замонавий қишлоқ авваломбор архитектура ва меъморий режалаштириш талабларига мос келиши, бош режа асосида тартиб билан қурилиши, барча қулайликлар ва коммуникация тармоқларига (электр, газ узатиш тармоқлари, сув таъминоти, йўллар ва бошқа) эга бўлиши ҳамда замонавий кўриниши ва шинамлиги билан ажралиб туриши лозим.

Меъморий режалаштириш талабларига кўра қишлоқ аҳоли пунктлари уларда яшаётган аҳоли сонига кўра 4 тоифага ажратилади ва шунга мос қишлоқларнинг меъморий бош режаси ишлаб чиқилади, (3.2 - жадвал).

3.2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мамлакатимизда жами 11820 та қишлоқ аҳоли пунктлари мавжуд бўлиб, уларнинг 5882 тасида (49,7 фоизи) аҳоли сони 100 дан 1000 кишигачани, 4511 тасида (38,2 фоизи) 1000

**Ўзбекистонда қишлоқ аҳоли пунктларининг тоифаланиши
(2014 йил 1 январь ҳолатида)¹¹**

Аҳоли пунктларининг тоифаси	Аҳоли сони	Аҳоли пунктларининг сони	Жамига нисбатан %да
Кичик аҳоли пунктлари	100 дан 1000 кишигача	5882	49,7
	шундан: 100 дан 500 кишигача	2974	25,1
	500-1000 кишигача	2908	24,6
Ўртача аҳоли пунктлари	1000 дан 3000 кишигача	4511	38,2
Катта аҳоли пунктлари	3000 дан 5000 кишигача	1052	8,9
Йирик аҳоли пунктлари	5000 кишидан ортиқ	375	3,2
Жами:		11820	100

дан 3000 кишигачани, 1052 тасида (8,9 фоизи) 3000 дан 5000 кишигачани ташкил этади ва фақат 375 тасида (3,2 фоизи) 5000 кишидан ортиқ. Замонавий архитектура ва меъморий қурилиш талабларига мос келмайдиган қишлоқ аҳоли пунктлари ягона режанинг мавжуд эмаслигидан кўп ҳолларда тартибсиз ва тарқоқ ҳолда қурилади.

Айниқса туманларнинг марказларидан узоқда жойлашган қишлоқ аҳоли пунктлари бош режа асосида қурилмагани боис уй-жойлар кўчаларга бўлинган ҳолда тартиб билан қурилмаган, (3.1-расм). Бундай қишлоқлардаги

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услугий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010. – 140 бет.

уй-жойларнинг ташқи кўринишида ҳам хилма-хиллик учрайди. Шу сабабдан кўриниши замонавий дизайн ва шаҳарсозлик мезонларига мос келмайди ҳамда коммуникация тармоқларига уланиш жараёнида ноқулайликлар келтириб чиқаради.



3.1 – расм. Қишлоқ аҳоли пунктлари бош режа билан таъминланганлиги

3.1–расмада келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, республикамиздаги мавжуд жами 11820 та қишлоқлардан 7371 тасининг (62 фоизи) бош режаси умуман ишлаб чиқилмаган, 3982 тасининг (34 фоизи) бош режаси эскирган, 467 тасининг (4 фоизи) бош режаси ярқли ҳисобланади. Демак, мавжуд қишлоқларимизнинг 96 фоизини замонавий архитектура талаблари даражасида бош режа билан таъминлаш талаб этилади.

«Қишлоққурилишлойиҳа» лойиҳа институти томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган уй-жой лойиҳаси бўлиб, замонавий қурилиш материаллари ва технологияларини республика минтақаларининг табиий - иқлим шароитларини ва жойларнинг рельефини, ижтимоий - демографик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тайёрланади, (3.3 - жадвал).

Президентимиз И.Каримовнинг ташаббуси билан юртимизда 2009 йилнинг «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб элон қилиниши, шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастурининг амалга оширилиши қишлоқларимиз қиёфасини замонавий архитектура ва саноат асосида тубдан

Ўзгартириш ва янгилаш, уй-жой, ижтимоий ва коммунал объектлар, коммуникацияларни барпо этиш бўйича узоқ муддатга мўлжалланган аниқ мақсадли ишларимизнинг бошланиши бўлди.

3.3 - жадвал

Қурилаётган уй - жойлар тўғрисида маълумот

Қурилиш олиб бориладиган йиллар	Массивлар сони	Уйлар сони	Қурилиш ҳажми (минг м ²)	Қурилиш қиймати (млн сўм)	шу жумладан		
					аҳоли маблағи ҳисобидан (млн. сўм)	аҳоли маблағи улуши (%)	ажратилган имтиёзли кредит ҳисобидан (млн. сўм)
2009 йил	42	847	100,6	50 696,0	19 235,0	37,9	31 461,0
2010 йил	225	6 800	809,7	428 980,8	169 516,1	39,5	256 172,7
2011 йил	355	7 400	1 134,4	576 509,3	208 470,3	36,1	368 039,0
2012 йил	272	8510	1 319,1	906 309,2	370 909,2	40,9	535 400,0
2013 йил	353	10 000	1 500,0	1 350 000,0	610 200	45,2	739 800
Жами	1247	33 557	4 863,8	3 312 495,3	1 378 330,6	41,6	1 930 872,7

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, республикада уй-жой қурилиши учун 2009-2012 йиллар давомида жами 1930,8 млрд. сўм имтиёзли кредит ажратилиб, аҳолини уй-жой билан таъминлаш ва турмуш даражасини яхшилашга алоҳида эътибор берилаётганлигини кўриш мумкин. Дарҳақиқат, таҳлил қилинаётган йилларда жами 33557 та уйлар қурилиб аҳолига топширилди. Уй-жой қурилишининг қиймати 2009-2013 йиллар давомида 3312 млрд. сўм бўлиб, шундан 41,6 фоизи аҳоли маблағларини ташкил қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 мартдаги 59-сонли «Замонавий архитектура-шаҳарсозлик талабларини инобатга олган

холда аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини ташкил этиш коидалари» ҳамда 2009 йил 7 апрелдаги 148-сонли «Қишлоқ аҳоли пунктларини бош режалар ва ҳудудларни меъморий режалаштиришни ташкил этиш лойиҳалари билан ўз вақтида таъминлаш, ушбу ҳудудларни шаҳарсозлик жиҳатдан комплекс ривожлантиришни амалга ошириш тўғрисида»ги фармойишига мувофиқ қишлоқ аҳоли пунктларини замонавий бош режалар билан таъминлаш ва ҳудудларни меъморий режалаштиришни ташкил этиш лойиҳаларини амалга оширишга катта эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 мартдаги 68-сонли «Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-ҳудудий тузилишини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига биноан республикамиздаги 965 та аҳоли пунктлари шаҳар посёлкалари тоифасига киритилиб, уларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни янада кучайтириш борасида чора-тадбирлар белгиланди. Жумладан, мазкур қарорда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари:

– манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда аҳоли пунктлари тоифаларининг ўзгартирилиши билан боғлиқ ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлашлари;

– шаҳар посёлкалари тоифасига киритилган аҳоли пунктларига нисбатан қўйиладиган шаҳарсозлик талабларига риоя этилишини таъминлаш ва муҳандислик, транспорт ҳамда ижтимоий инфратузилмаларни оқилона жойлаштириш масалаларини ҳал этиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқишлари;

– шаҳар посёлкалари тоифасига киритилган аҳоли пунктлари номларини «Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддаси талабларига мувофиқлаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб

чиқишлари белгилаб берилди. Замоनावий уй-жой лойиҳалари ўз ичига замонавий қурилиш материаллари ва технологияларини, республика минтақаларининг табиий-иқлим шароитларини ва жойнинг рельефини, ижтимоий-демографик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тайёрланиши мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда замонавий архитектура ва меъморий қурилиш талабларига мос келадиган, шинам ва барча қулайликларга эга бўлган, коммуникация тизимларига уланган, жаҳон андозалари даражасидаги қишлоқларни барпо этиш бўйича йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги 1046-сонли «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури тўғрисидаги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2010-2014 йиллар давомида аҳоли сони 10 минг кишидан ортиқ бўлган қишлоқ аҳоли пунктларини бош режа лойиҳалари ишлаб чиқиш бўйича дастурига жами 62 та, қишлоқ аҳоли пунктларини қурилиши ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳудудларини меъморий режалаштириш ва ташкил қилиш бош режа схема лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича дастурга аҳоли сони 5 минг кишидан кам бўлган қишлоқ аҳоли пунктлари бўйича 990 та, аҳоли сони 5 мингдан 10 минг кишигача бўлган аҳоли пунктлари бўйича 353 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган.

Энг аввало, қишлоқда қуриладиган замонавий уй-жойлар ва ижтимоий инфратузилмаларни лойиҳалаштиришсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бунинг учун лойиҳалаштириш ишларидан яхши хабардор бўлган, барча моддий-техникавий базага ҳамда етарли илмий салоҳиятга эга ихтисослашган лойиҳа-қидирув институтларини ташкил этиш талаб этилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 январда қабул қилинган 1049-сонли «МЧЖ Қишлоққурилишлойиҳа лойиҳа-қидирув институтини ташкил қилиш тўғрисидаги» Қарорига мувофиқ ташкил этилган

«Қишлоққурилишлойиха» лойиҳалаш-қидирув институти айнан шу вазифани амалга оширишга хизмат қилади. «Қишлоққурилишлойиха» институти:

- қишлоқ аҳоли пунктларини меъморий режалаштириш тизимини шакллантириш, ривожлантиришнинг бош схема лойиҳаларини ишлаб чиқиш;
- қишлоқ аҳоли пунктларидаги турар-жой бинолари, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларининг намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқиш ишларини амалга оширади.

«Қишлоққурилишлойиха» институти ҳукуматимиз кўмаги билан қишлоқларни замонавий архитектура талаблари асосида меъморий лойиҳалаштириш ишлари учун зарур бўлган барча моддий-техникавий ва илмий салоҳият билан таъминланган. Ўтган йили «Қишлоққурилишлойиха» институти томонидан 31 та уй-жой лойиҳалари, 16 та ижтимоий соҳа объектларнинг лойиҳалари ва ҳудудлардаги лойиҳа институтлари томонидан 20 та уй-жой лойиҳалари ишлаб чиқилиб, қўллаш учун тавсия этилди.

2009-йилдан бошлаб мамлакатимизнинг 159 та қишлоқ туманида намунавий лойиҳалар асосида 900 дан ортиқ янги уй-жой массивлари барпо этилди, умумий майдони 4 миллион 500 минг квадрат метр бўлган 33 минг 500 дан зиёд якка тартибдаги уй-жой фойдаланишга топширилди. 732 километр асфальт қилинган автомобиль йўллари, мингдан ортиқ ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектлари барпо этилди.

I- боб бўйича хулоса

Макроиқтисодиёт даражасида инфратузилмалар – бу фуқаролар ва корхоналар томонидан фойдаланиладиган ва одатда давлат томонидан ташкил қилинадиган капитал иншоотлар, тизимлардир. Буларга автомагистраллар, кўприклар, шаҳар транспорт тизими, сув тозалаш иншоотлари, муниципал сув таъминоти тизимлари, вокзал ва аэропорт кабилар киради

Корхоналар ёки микродаражадаги инфратузилмалар эса маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида қатъий зарур ва шарт ҳисобланган, айти пайтда ўз кучи ва имконияти билан барпо этиш жуда ҳам қиммат бўлган, шунинг учун ҳам давлат ва бошқа ихтисослашган корхоналар томонидан ташкил этиладиган хизмат ва иншоотларни ўз ичига олади. Уларга сув таъминоти, электро-энергия, ишлаб чиқариш чиқиндиларини ташиб чиқариш, юк қатнови, илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкция ишлари, банк ва молия хизматлари ва бошқа хизмат турларини киритиш мумкин.

Бизнингча, ижтимоий инфратузилма – инсоннинг ҳар томонлама камолат топиши ва унга эришиш соҳасида кўрсатиладиган хизматлар йиғиндисидир.

Инфратузилманинг яхлит бошқарув объекти сифатида ажратилиши бутун иқтисодиёт тармоқлари мувозанатли ва мутаносиблик асосида ривожлантирилиши, минтақалар ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги номутаносибликларга барҳам бериш имконини яратади. Ижтимоий адолат принципларини рўёбга чиқаришдан иборат мақсад ижтимоий инфратузилмани шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий вазифаларини маҳаллий бошқарув идоралари, ҳокимликлар кўлига топширишни тақозо этади.

Бизнинг фикримизча, ижтимоий инфратузилманинг меъёрий базаси ва ижтимоий нормативлар тизими қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

- мақсадли нормативлар.

– ижтимоий инфратузилма муассасалари хизматлари билан таъминланишнинг энг кам даражаси;

– фаолият шароитининг комплекс ижтимоий андозалари;

– иқтисодий нормативлар (қиёсий сарфлар нормативлари, фойдаланилаётган ресурслар учун тўловлар).

Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш орқали аҳоли яшаш шароитларини янада яхшилаш, турмуш даражасини ошириш ва халқ фаровонлигини таъминлашга эришиш мақсад қилиб қўйилгандир. Ҳукуматимиз томонидан инфратузилмаларни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган йирик давлат дастурлари натижасида ҳудудларда бир қатор диққатга сазовор ишлар амалга оширилди.

II боб. Қашқадарё вилояти туманларида ижтимоий инфратузилманинг ҳозирги ҳолати

1. Вилоятда ижтимоий соҳанинг ҳозирги ҳолати

Иқтисодий ислоҳотларни юксалтириш, иқтисодиёт соҳасида эркинлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий устувор йўналишларни босқичма-босқич амалга ошириш республикамизда хизмат кўрсатиш соҳасини юқори суръатларда ривожлантиришни таъминламоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган қуйидаги чора-тадбирлар хизматлар соҳасининг ривожланишига имкон бермоқда:

– соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, болалар спортини ривожлантириш, компьютерлаштириш ва ахборот коммуникация технологиялари, коммунал хизматлар, уй-жой қурилиши, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, иш билан бандликнинг минтақавий дастурлари, кичик бизнесни ривожлантириш, банк соҳасини ислоҳ қилиш ва бошқа тармоқ дастурларини амалга ошириш;

– аудиторлик, лизинг, реклама, адвокат, консалтинг, суғурта фаолиятлари, микромолиялаштириш ва кредит уюшмаларини ташкил этиш каби янги бозор институтларининг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини яратишга йўналтирилган чора-тадбирлар;

– транспорт коммуникацияси тизимлари, телефон алоқа станциялари ва линияларини ривожлантириш бўйича хорижий инвестицияларни жалб қилиш, меҳмонхоналар тармоғини ривожлантириш, қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик суви ва газ билан таъминлаш дастурларини амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирларни ҳаётга жорий этиш.

Иқтисодиётни барқарор ривожлантиришда хизмат кўрсатиш соҳасининг ўрни беқиёс бўлиб, 2013 йилнинг бошида «2013-2016-йилларда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш

юзасидан кўшимча чора-тадбирлар» Дастури ишлаб чиқилди. Ваҳоланки, 2013-йилнинг ўзида хизмат кўрсатиш бўйича 13 мингдан ортиқ корхона, жумладан, савдо-маиший комплекслар, минибанклар ва суғурта компаниялари филиаллари ва бошқа корхоналар ташкил этилди.


Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаларини яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар Қашқадарё вилояти иқтисодиёти тармоқларида ҳам барқарор ўсиш суръатлари кузатилмоқда.

Қашқадарё вилояти 1943 йилда ташкил топган бўлиб, унинг умумий ер майдони 28,6 кв.км.дир ёки 2856799 гани ташкил этади. Вилоятнинг умумий чегара узунлиги 893,89 км бўлиб, Тожикистон республикаси билан Шаҳрисабз тумани томонидан шарқдан 18,5 км, Китоб тумани томонидан эса шарқдан 41,47 км масофада чегарадош. Шунингдек, вилоят Туркманистон билан жанубий-ғарб томонидан Деҳқонобод тумани орқали 75,9 км, Ғузор тумани билан 22,2 км, Нишон тумани билан 75,74 км ва Миришкор тумани томонидан 79,48 км масофада чегарадошдир. Қўшни вилоятлар билан шимолдан 276 км масофада Самарқанд вилояти билан, жанубий шарқдан 193,8 кмда Сурхондарё вилояти билан, шимолий-ғарбдан 98,3 км масофада Бухоро вилояти билан ва шимолдан 12,5 кмда Навоий вилояти билан чегарадош.

Қашқадарё вилояти аҳоли сони 2895,5 минг кишини ташкил қилади. Шундан 1250,4 минг киши шаҳар аҳолиси, қолган 1645,1 минг киши эса қишлоқ аҳолисини ташкил этади. Вилоятда 13 та туман ва 1 та Қарши шаҳри бўлиб, Қарши шаҳри вилоятнинг маркази ҳисобланади.

Қашқадарё вилояти ўзининг табиий шароитига кўра суғориладиган деҳқончилик юртиш учун Ўзбекистоннинг энг қулай масканларидан бири

хисобланади. Вилоятнинг тупроқлари унумдор, маъданли ўғитлари етарли, куёшнинг иссиғи эса керагидан ортиқча бўлиб, бу воҳада пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш миқдорини янада кўпайтириш имконинин беради. Бироқ қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосилдорликка эришишда сув муаммоси тўсқинлик қилади. Шу боис, вилоятда суғориладиган деҳқончилик юритишда мавжуд сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни талаб қилади. Иқтисодий географик жиҳатдан вилоятда нефть-газ конлари, калий тузи конлари мавжуд бўлиб, бу соҳаларда республикамизда салмоқли ўринни эгаллайди. Хуллас, вилоятнинг юксалишида табиий ва иқтисодий-географик ўрнидаги қулайликлар қатори табиий шароити ва бойликлари ҳам талай имкониятлар яратади.



1.1-расм. Қашқадарё вилоятида ижтимоий соҳанинг ўсиш кўрсаткичи

Қашқадарё вилояти ҳудудида аҳоли қадимдан обикор деҳқончилик билан шуғулланиб келган. Деҳқончилик билан бирга савдо ва ҳунармандчилик ҳам таракқий этган. Эндигина вилоятнинг агросаноат мажмуи барча иқтисодий географик вилоятларидаги каби юксак даражада ривожланиб бормоқда.

1.1-жадвал

Қашқадарё вилояти аҳоли сони ва меҳнат ресурслари тўғрисида маълумот

т/р	Кўрсаткичлар	Қашқадарё вилояти					Қарши тумани				
		2010 й	2011 й	2012 й	2013 й	2013 йилда 2010 йилга нисбатан ўзг.% ҳисоб.	2010 й	2011 й	2012 й	2013 й	2013 йилда 2010 йилга нисбатан ўзг.% ҳисоб.
1	Доимий аҳолининг ўртача сони, минг киши	2722,9	2750,4	2804,5	2863,4	105,2	198,2	205,1	207,8	212,9	107,4
2	Меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳолининг ўртача сони, минг киши	1476,3	1561,4	1608,2	1654,2	112,1	113,2	121,8	124,8	128,2	113,3
3	Ўртача банд аҳоли сони, минг киши	971,6	1003,7	1036,6	1072,3	110,4	79,8	81,9	84,3	86,1	107,9
4	Иш қидирувчи сифатида рўйхатга олинганлар, киши	1304	1140	219	180	13,8	52	11	4	8	15,3

Вилоятда аҳоли сони йилдан йилга ўсиб бориши билан бирга меҳнатга лаёқатли кишилар сони ҳам ортиб бормоқда. 1.1-жадвалда вилоятда мавжуд аҳоли сони ва меҳнат ресурслари ҳамда меҳнат қилиш лаёқатига эга бўлган иш қидувчилар тўғрисидаги маълумотлар таҳлил қилинган.

Қашқадарё вилояти бўйича 2013 йил ҳолати бўйича 2863,4 мингдан зиёдроқ доимий аҳоли истикомат қилиб, унинг 1654,2 минг киши меҳнат ресурслари ҳисобланади, яъни жами аҳолига нисбатан 57,8 фоизни ташкил этади. Қарши туманида эса доимий аҳоли сони 2013 йилда 212,9 минг кишини ташкил этиб, унинг 60,2 фоизи, яъни 128,2 мингтаси меҳнат ресурслари бўлиб ҳисобланади. Вилоятда ва туманда доимий аҳоли сони 2013 йилда 2010 йилга нисбатан 105-107 фоиз ўсган ва меҳнатга қобилиятли кишилар сони ҳам ўсганлигини жадвал маълумотлари таҳлилидан кўриш мумкин.

Вилоятимизда иш билан банд аҳоли 2010 йилда 971,6 мингтани, 2011 йилда 1003,7 мингтани, 2012 йилда 1036,6 мингтани ва 2013 йилда эса 1072,3 мингтани ташкил этиб, бу кўрсаткич 2013 йилда 2010 йилга нисбатан 110,4 фоизга ошганлигини кўриш мумкин. Демак, вилоятимиз жами аҳолисининг 37,4 фоизи иқтисодиётнинг барча тармоқларида иш билан банд эканлигидан далолат беради. Қарши тумани миқёсида таҳлил қиладиган бўлсак, иш билан банд аҳоли 2013 йилда 86,1 минг кишини ташкил этиб, меҳнатга лаёқатли аҳолига нисбатан 67,2 фоизни, жами аҳолига нисбатан эса 40,4 фоизни ташкил этмоқда.

Қашқадаё вилояти бўйича иш қидириб, рўйхатдан ўтганлар 2013 йил 180 кишини ташкил этиб, бу кўрсаткич 2010 йилга нисбатан 13,8 фоизни ёки 1124 кишига камайганлигини кўриш мумкин. Қарши туманида эса бу кўрсаткич 15,3 фоизни ёки 44 кишига камайганлигини кўриш мумкин. Демак, хулоса сифатида шуни айтиш керакки кейинги йилларда вилоятда ва Қарши туманида хизмат кўрсатиш соҳаларини кўпайганлиги ва айниқса ижтимоий

инфратулмалар сони ошиб бориши меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш билан бир қаторда аҳолини турмуш даражасини ошишига имконият яратилаётганилигидан далолат беради.

Қашқадарё вилояти бўйича аҳоли жон бошига тўғри келувчи ўртача кўрсаткичларни 1.2-жадвалдаги маълумотлар асосида таҳлил қиламиз.

1.2-жадвал

Қашқадарё вилояти бўйича аҳоли жон бошига тўғри келувчи ўртача кўрсаткичлар

Кўрсаткичлар	Йиллар	Аҳоли жон бошига ўртача кўрсаткичлар				Ўртача ойлик иш хақи, сўм
		Истеъмол моллари ишлаб чиқариш, сўм	Чакана товар айланмаси, сўм	Пуллик хизматлар, сўм	шу жумладан, маиший хизмат, сўм	
Қашқадарё вилояти бўйича	2010 йил	143317,2	534166,4	125945,7	15995,1	765395,6
	2011 йил	161948,4	683733	176324	23170	905105,2
	2012 йил	185914,3	911334,3	256630	25233	1008557,7
	2013 йил	221690,8	1171056,5	350363	43124	1170609,8
	2013 йилда 2010 йилга нисб.ўзг.% ҳис.	154,7	219,2	278,2	269,6	153,0
Қарши тумани бўйича	2010 йил	34361,6	252367,2	133465,7	18174	521316,7
	2011 йил	37625,9	273566,0	149882	20148	598612,1
	2012 йил	42720,2	307873,4	198201	19189	618969,3
	2013 йил	49253,0	401159,2	325055	36813	678903,1
	2013 йилда 2010 йилга нисб.ўзг.% ҳис.	143,3	159,0	243,5	202,6	130,2

Қашқадарё вилоятида аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача кўрсаткичларни таҳлил қиладиган бўлсак, аҳоли истеъмол моллари ишлаб чиқариш 1 кишига 2010 йилда 143317,2 сўмни, 2013 йилда эса 221690,8 сўм бўлиб, 2010 йилга нисбатан 54,7 фоизга ошган. Қарши туманида эса бу кўрсаткич 43,3 фоизга ошганлигини кўриш мумкин. Вилоятимизда чакана товар айланмасини туманлар кесимида оладиган бўлсак, вилоят бўйича 2010 йилда 534166,4 сўмни, 2013 йилда эса 1171056,5 сўмни ташкил қилиб, 2010 йилга нисбатан 2013 йилда 219,2 фоизга ошганлигини кўришимиз мумкин. Қарши туманида чакана товар айланмаси 59 фоизга ошиб, туманлар ичида энг катта кўрсаткичга эга бўлган.

Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш вилоят бўйича ўртача бир кишига 2010 йилда 125945,7 сўмни, 2013 йилда эса 350363 сўм бўлиб, 2010 йилга нисбатан 2013 йилда бу кўрсаткич 278,2 фоиз ошган. Қарши туманида эса аҳоли жон бошига пуллик хизматлар кўрсатиш 243,5 фоиз ўсиш кўрсаткичига тенг бўлганлигини жадвал маълумотлари таҳлилидан кўриш мумкин.

Шунингдек, аҳолининг ўртача ойлик иш ҳақи вилоят бўйича 2010 йилда 765395,6 сўмга тенг бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2013 йилда 2010 йилга нисбатан 153 фоизга ошган ёки ўртача бир кишининг ойлик иш ҳақи 1170609,8 сўмга тенг бўлганлигини кўриш мумкин. Қарши тумани бўйича эса аҳолининг ўртача иш ҳақлари 2013 йилда 2010 йилга нисбатан 130,2 фоиз ўсиш кўрсаткичига эришилган.


Бугунги кунда аҳолини ҳар томонлама шинам ва қулай уй-жойлар билан таъминлаш, уй-жой массивлари атрофидаги инфратузилмаларни обод қилиш юзасидан олиб борилаётган улкан ишлар одамларнинг кайфияти ва дунёқарашига, уларнинг ҳаёт сифатига қандай кучли таъсир кўрсатаётгани ҳақида ортиқча сўз юритишнинг зарурияти йўқ, деб ўйлайман. Бу ўринда гап биринчи навбатда қишлоқларимиз аҳолиси ҳақида бормоқда. 2014-йилда 388

та массивда умумий майдони 1 миллион 500 минг квадрат метр бўлган 11 мингта намунавий уй-жой барпо этиш кўзда тутилмоқда.

Шу муносабат билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси, Молия вазирлиги, «Қишлоқ қурилиш банк» ва «Қишлоқ қурилиш инвест» компанияси шу йилнинг февраль ойидан кечиктирмасдан жорий йил дастури бўйича молиялаштиришни бошлаши, март ойида эса уй-жойларни қуриш ишларини бошлашни таъминлаш бўйича чора-тадбирларни кўришлари даркор.

Қашқадарё вилоятида кейинги йилларда ижтимоий соҳани ривожлантириш мақсадида сув тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш, янги уй-жойларни қуриш, шифоатхоналарни қуриш ва таъмирлаш мақсадида бир қанча объектлар ишга туширилди (1.2-расм).

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий тамойилларидан бири сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов томонидан чуқур асослаб берилган кучли ижтимоий сиёсат аҳоли ялпи даромадларининг ўсиши учун зарур шарт-шароит яратди. Мазкур ислоҳотлар натижасида 2000-2013 йиллар давомида Ўзбекистон аҳолисининг ялпи даромадлари 8,6 баробар ошди.



1.2-расм. Қашқадарё вилоятининг ижтимоий соҳасига киритилган объектлар

2. Вилоят туманларида таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш

Таълим тизими ривожланишининг катор кўрсаткичлари бўйича Ўзбекистон дунёдаги давлатлардан илгарилаб кетган. Хусусан, давлатнинг таълим тизими ривожини, мактабларни капитал қуриш ва янгилаш учун йўналтирилаётган сарф-харажатлари, ўқувчиларнинг умумий сонига нисбатан ўқитувчиларнинг сони ва неча фоизни ташкил этиши, битирувчилар сони, GMAT, яъни ўқувчиларнинг бизнес мактабларида муваффақиятли таълим олиш қобилиятини аниқлаш учун стандартлашган тест асосидаги ўқувчиларнинг ўртача баҳоси ва бошқа кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистоннинг натижалари бошқа мамлакатлардан юқори экани таҳлилий мисоллар орқали аён бўлади.

Юқорида баён этилган тадқиқотда Ўзбекистоннинг бу борада эришган ютуқларининг асосий мезон ва омиллари ҳақида атрофлича фикр юритилади. Айниқса, инсон капитали ва тадқиқотлар учун инвестициялар, таълим ривожига қаратилган давлат харажатларининг даражаси ва умуман, таълим тизимининг ҳолати Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ва инновацион салоҳиятининг энг кучли томонларидан бири экани алоҳида таъкидланади.

Ўзбекистонда таълимни ривожлантириш ва ислоҳ қилишнинг ҳар йилги харажатлари мамлакат ялпи ички маҳсулотига нисбатан 10-12 фоизни ташкил этмоқда, уларнинг Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети харажатларидаги улуши эса 35 фоиздан ошади. Мактаб ўқитувчилари, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ҳамда олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг иш ҳақи сўнги 10 йил ичида иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидаги меҳнатга ҳақ тўлаш миқдоридан бир ярим баробар кўпайди.

2014-йилда таълим-тарбия соҳасида 380 та умумтаълим мактаби ҳамда 161 та касб-хунар коллежи ва академик лицейни реконструкция қилиш ва

капитал таъмирлаш учун 410 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтириш мўлжалланмоқда.

Касб-ҳунар коллежларининг ўқув-ишлаб чиқариш устахоналарини юксак технологиялар асосида ишлаб чиқарилган замонавий ускуналар ва ўқув техникаси билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Ўтган 2-йил давомида олий ўқув муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича кўп ишлар амалга оширилди. Хусусан, Қарши, Термиз, Урганч ва Бухоро университетлари, Тошкент давлат техника университети, Навоий давлат кончилик институти ва бошқа олий ўқув юртларининг янги ўқув биноларини қуриш ва мавжуд корпусларини реконструкция қилиш, уларни замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш ишлари амалга оширилди.

2014-йилда 34 та олий ўқув муассасаларида қурилиш, реконструкция ва жиҳозлаш ишларини амалга ошириш учун 173 миллиард сўм маблағ ажратиш кўзда тутилган. Жумладан, Андижон, Қарши давлат университетларида, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва бошқа олий ўқув юртларида янги ўқув бинолари ва ахборот-ресурс марказлари қуриш мўлжалланмоқда. Шунингдек, 51 миллиард сўм маблағ ҳисобидан мамлакатимиздаги 17 та олий ўқув юртида капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириш белгиланган. Бунинг тасдиғи сифатида Қарши давлат университетида қурилиш, таъмирлаш ва тиклаш ишлари 2014 йилнинг 1-чорагида яқун ясалганлигини эътироф этиш мумкин. ҚДУнинг янги биноси ишга туширилиши олдидан 2014 йилнинг апрель ойида очилиш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистонда аҳоли саломатлигини сақлаш ва янада мустаҳкамлаш давлатнинг муҳим ижтимоий вазифаларидан бирига айланди. Бу масала Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва давлатимизнинг бошқа қонунчилик ҳужжатларида ўз аксини топган.

Аҳоли саломатлигини сақлашнинг барча қирралари 1996 йил 29 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Қонунида тўлиқ ақс эттирилди. Бу қонун аҳоли саломатлигини сақлаш борасида мустақил давлатимиз қонунчилигида янги босқичини бошлаб берди. Таъкидлаш керакки, фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги ушбу қонун катта сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган юридик ҳужжат ҳисобланади. У Ўзбекистоннинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳозирги тараққиётини ақс эттирган ҳолда, келгусида фуқаролар соғлиғини сақлаш, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш ва ислоҳ этишнинг меъёрий-ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади. Маълумки, тегишли ваколатларга эга бўлган қонунчилик органлари томонидан қабул қилинган ва мамлакат ҳаётидаги энг муҳим масалаларни ҳуқуқий асосда ечишга –тартибга солишга қаратилган давлат ҳокимиятининг олий даражадаги ҳужжати - қонун деб аталади.

Қабул қилинган қонун, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ақс эттирилган ҳолатларни ҳаётга тадбиқ этишнинг ўзига хос амалий воситаси ҳисобланади. Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- фуқароларнинг ўз соғлиғини сақлашга доир ҳуқуқларининг давлат томонидан қафолатланишини таъминлаш;
- фуқароларнинг соғлом турмуш тарзини шакллантириш;
- давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасидаги фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш.

Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ этиш ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш масалалари 2014-йилда ҳам доимий эътиборимиз марказида бўлиб қолади.

Жорий йилда соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун ажратиладиган маблағлар 407 миллиард сўмдан зиёдни ташкил этади ёки уларнинг ҳажми қарийб 30 фоизга ортади.

Бундан ташқари, тиббиёт муассасаларини жиҳозлаш учун халқаро молия институтларининг 28 миллион доллардан ортиқ имтиёзли кредитларини жалб этиш кўзда тутилмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, биз 2014-йилда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида ўхшаши бўлмаган, халқаро стандартлар бўйича энг юқори, яъни тўртинчи даражали ҳисобланадиган кўп тармоқли махсус болалар шифохонасини Корея Республикаси ҳукуматининг 103 миллион доллар миқдоригадаги маблағи ҳисобидан барпо этиш кўзда тутилган. Айтиш керакки, ушбу шифохона 250 та даволаш ўрнига ва бир кеча-кундузда 200 нафар болани қабул қила оладиган поликлиникага эга бўлади.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2014-йилда 115 та болалар спорти объектини қуриш ва реконструкция қилиш, уларни асосан мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган замонавий спорт анжомлари билан таъминлаш учун 107 миллиард сўм маблағ ажратиш режалаштирилмоқда.

Қашқадарё вилоятида ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 505196,4 млн. сўм ёки 71,5 фоизи уй-жой қурилишида ўзлаштирилди. 2013 йилда умумий майдони 887,1 минг кв.м. бўлган 6025 та уй-жой , шу жумладан қишлоқ жойларида 662,8 минг кв. м. уй-жой фойдаланишга топширилди, (2.1-жадвал).

Умумтаълим мактабларини қуриш ва қайта таъмирлашда 33619,6 млн. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу эса ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 4,8 фоизини ва таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 42,2 фоизини ташкил қилади. 2013 йилда 11510 ўқувчи ўринли 45 та умумтаълим мактаблари капитал

реконструкциядан чиқарилди. Шунингдек, умумтаълим мактаблари қошида 9 та янги жисмоний тарбия заллари қуриб фойдаланишга топширилди.

2.1-жадвал

Ижтимоий-маданий объектлар тўғрисида маълумот


т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил
Қашқадарё вилояти бўйича						
1	Ўрта таълим мактаблари	ўқув.ўрин	630	6500	11576	11510
2	Коллеж ва лицейлар	ўқув.ўрин	3765	-	4230	1110
3	шифоатхоналар	қатнов	260	420	450	650
4	газ тармоқлари	км	28,0	0,5	-	-
5	сув тармоқлари	км	300,3	355,7	123,3	143,8
Қарши тумани бўйича						
6	Умум таълим мактаблар	ўқув ўрин	х	460	1446	750
7	Шифоатхона	қатнов	х	х	х	х
8	Сув қувурлари	км	4,5	0,2	17,5	12,7
9	Газ қувурлари	км	х	х	х	х

Касалхоналар объектларини қуриш ва қайта таъмирлашда 15817,8 млн. сўм инвестициялар ўзлаштирилди, бу эса ноишлаб чиқариш соҳасига йуналтирилган инвестицияларнинг 2,2 фоизини ва соғлиқни сақлаш соҳасига киритилган инвестицияларнинг 46,9 фоизини ташкил қилди. Шу жумладан, 340 койкали 1 сменада 650 та қатнов қабул қилиш қувватига эга 3 та касалхоналар ва 6 та соғлиқни - сақлаш тизимидаги бошқа объектлар қуриб фойдаланишга топширилди.

Коммунал қурилиш соҳасида 143,8 км. узунликдаги ичимлик суви тармоқлари ишга туширилди. Ишга туширилган умумий ичимлик сув тармоқларининг 117,4 км. ёки 81,6 фоизи қишлоқ жойларига тўғри келади.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига 11974,1 млн. сўм, шундан 10424,1 млн. сўм бюджет маблағлари ҳисобидан (умумий ҳажмидан 87,1 фоизи), корхона маблағлари 1400 млн. сўм (11,7 фоизи), аҳоли маблағлари 150 млн. сўм (умумий ҳажмидан 1,2 фоизи), инвестициялар ўзлаштирилди.

Аҳоли соғлиғи потенциали миллий бойликнинг муҳим таркибий қисми ва маданиятли жамиятнинг фундаментал хусусиятларидан бири ҳисобланади. Аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш хизматини ҳар томонлама ривожлантириш жамият тараққиётининг муҳим шарти ва ижтимоий ривожланиш даражасининг интеграллашган кўрсаткичидир.



2.1-чизма. Вилоятда соғлиқни сақлаш тизимидаги объектларнинг қурилиши

Ислоҳатларнинг асосий мақсади-мамлакатда жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда соғлиқни сақлашнинг эҳтиёжлари учун давлат сарф-харажатларини йўл қўйилиши мумкин бўлган даражада энг кўп қисқартирилган ҳолда республиканинг бутун аҳолисини тиббий хизматлар

билан ялпи қамраб олишни таъминловчи самаралироқ тизим яратишдир. Бу соғлиқни сақлаш сингари ўзига хос ва алоҳида соҳада марказлаштирилган давлат бошқаруви усуллари ва қўллаб-қувватлашни бозорга хос йўналтириш механизмлари билан мақбул қилиб олиб боришни излаш зарурлигини кўрсатади.

Қарши туманида хизматларнинг соҳалар бўйича улуши йиллар давомида ўзгариши келтирилган бўлиб, хизматларнинг асосий қисми транспорт хизматларига -27,2 фоизни, савдо ва овқатланиш хизматларига эса -17,4 фоизни ва бошқа хизматлар, яъни газ, сув, канализация ва бошқа хизматлар жами хизматларнинг 39,7 фоизинин ташкил этмоқда, (2.2-жадвал).

2.2-жадвал

Қарши туманида хизматларнинг соҳалар бўйича улуши

т/р	Кўрсаткичлар	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил
1	Жами хизматлар	100,0	100,0	100,0	100,0
шу жумладан асосий турлари буйича:					
2	Савдо ва овқатланиш хизматлари	19,4	29,0	27,7	17,4
3	Транспорт хизматлари	21,6	26,5	27,6	27,2
4	Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	0,9	1,0	0,6	10,3
5	Молиявий хизматлар	3,2	3,6	3,7	3,5
6	Маиший хизматлар	3,0	1,9	2,1	1,8
7	Автомобиллар ва бошқа маиший техникаларни таъмирлаш	0,1	0,3	0,2	0,1
8	Бошқа хизматлар	51,8	37,6	38,1	39,7

Иқтисодий нуқтаи назардан соғлиқни сақлаш истикболини учга ажратиб кўрсатиш мумкин: ижтимоий ёки давлат, пулли ва тиббий суғурта йўллари.

Бизнинг фикримизча, энг муҳим бозор муносабатларига ўтиш соғлиқни сақлаш тизимини нафақат кенгайтириш, унинг моддий-техника базасини такроран ишлаб чиқаришнинг ҳам мамлакатда юз бераётган иқтисодий

Ўзгаришлар шароитида давлатнинг мазкур тизимни молиялаштириш ҳажмини қисқартириш шароитида тиббий суғурталашнинг фаол киритилишнинг муқобиллигини тушунмоқликдир.

Соғлиқни сақлашни бозор муносабатлари асосида йўналтириш халқаро тажрибасини қўллаш ушбу соҳанинг бир қанча принципал жиҳатдан янги характерли белгиларида ўз аксини топади. Улардан асосийлари:

-хўжалик юритувчи субъект белгиларига эга бўлган тиббиёт муассасасининг янги иқтисодий мақоми;

-тиббий хизматлар пулли эканлиги суръатларини кучайтириш;

-муассасанинг хўжалик фаолияти жараёнида пайдо бўлувчи иқтисодий муносабатлар тизимида тиббиёт ходимлари ўрни ва ролининг ўзгариши.

Ўзбекистонда тиббий хизматни бозор иқтисодиёти ривожланиши принципларига мослашиш мумкинлигини кўрсатадиган йўллар куйидагиларни ўз ичига олади:

-соғлиқни сақлаш соҳаси субъектлари фаолиятининг барча жиҳатларига устун даражада иқтисодий муносабатларнинг ёйилиши ва тегишлича иқтисодиётдан ташқари, маъмурий усулларни кескин қисқартириш;

-соғлиқни сақлашни маблағ билан таъминлашнинг принципал жиҳатдан бошқа схемасига ўтиш тиббиёт муассасаларни эмас балки тиббий ёрдам кўрсатишни маблағ билан таъминлаш, хизматларни таъминлашдан қайта йўналтирилган молиявий ҳисоб-китоблар принципи, шунингдек соғлиқни сақлашни маблағ билан таъминлашга давлатнинг роли ўзгаришига олиб келади;

-соғлиқни сақлашни маблағ билан таъминловчи республика ва маҳаллий бюджетлар билан бир қаторда мажбурий ва ихтиёрий тиббиёт суғурта маблағлари, тиббий хизматларга миқозлар томонидан ҳақ тўланиши ҳисобига манбаларнинг кўпайиши;

-тадбиркорлик соғлиқни сақлаш соҳасида шаклланиши, шу жумладан чегарали иқтисодий вазият барқарорланиши давомида сўзсиз кенгайиб борадиган давлат даволаш муассасалари доирасида шаклланиш;

-рақобат мухити яратилиши, ушбу йўналишда биринчи ва аён кўриниб турган қадам аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишда давлат буюртмасини рақобатли жойлаштириш принципи жорий этиш йўли билан қўйилиши мумкин. Маблағ билан таъминловчи томонлар-бюджетлар, тиббиёт суғурта жамғармалари - «аҳоли эҳтиёжларини қондириш даражаси-харажатлар» параметри бўйича тиббий хизмат кўрсатиши мумкин бўлган хизматларининг қиёсий самарадорлигини малакали баҳолаши зарур;

- соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий кичик тадбиркорлик яратилишини қўллаб-қувватлаш ҳамда уларни танлов асосида давлат буюртмаларини бажаришга жалб қилиш механизми дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарурдир.

Қашқадарё вилоятида ижтимоий соҳани ривожлантириш мақсадида кенг қўламли инвестициялар йўналтирилмоқда. Қуйидаги жадвалда вилоятнинг асосий капиталига киритилган инвестициялар миқдори келтирилган бўлиб, асосий инвестиция миқдори уй-жой қурилишига, таълимга ва ноишлаб чиқариш тармоқларига йўналтирилганлигини кўриш мумкин (2.3-жадвал).

Вилоятнинг асосий капиталга киритилган инвестициялар миқдори 3352870,0 млн.сўмни ташкил этиб, унинг 78,9 фоизи ишлаб чиқариш тармоқларига ва қолган 21,1 фоизи эса ноишлаб чиқариш тармоқларига йўналтирилган. Ноишлаб чиқариш тармоқларига жами 706504,0 млн.сўм маблағ йўналтирилиб, унинг 71,5 фоизини уй-жой қурилишига, яъни 16385,2 млн.сўм, 11,3 фоизи эса таълимга, яъни 79618,2 млн.сўми йўналтирилди.

Худудда уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш даражасидаги фарқларни белгиловчи омиллар йиғиндисини иккита гуруҳга бўлиниши мумкин: ижтимоий-иқтисодий ва табиий-иқлимий.

**Қашқадарё вилояти иқтисодий тармоқларига йўналтирилган
инвестициялар**

т/р	Кўрсаткичлар	2013 йил январ-декабр	
		млн. сўм	умумий хажмга нисбатан фоизда
1	Асосий капиталга киритилган инвестициялар – жами	3352870,0	100,0
2	<i>Ишлаб чиқариш тармоқларига</i>	2646366,0	78,9
3	<i>Ношлаб чиқариш тармоқларига</i>	706504,0	21,1
А)	Шу жумладан: уй-жой қурилишига	505196,4	71,5
Б)	коммунал хўжалигига	16385,2	2,3
В)	соғлиқни сақлашга	33738,4	4,8
Г)	таълимга	79618,2	11,3
Д)	бошқа ношлаб чиқариш тармоқлари	71565,8	10,1

Ижтимоий-иқтисодий омиллар жумласига қуйидагилар киради: саноат ва қишлоқ хўжалиги ўртасидаги ўзаро нисбат, аҳоли сони ва ўсиш суръатлари, ижтимоий таркиб ва аҳоли таркиби, оиланинг ўртача таркиби ва бошқа омилларнинг ушбу гуруҳини ҳисобга олиш уй-жой коммунал хўжалиги ривожланиш даражасининг ошишига таъсир этиш имконини беради.

Табиий-иқлимий омиллар эса турли иқлим шароитлари билан уй-жой коммунал хўжалигининг ривожланиш даражасига таъсир кўрсатади.

Туманлар ўртасида коммунал хўжалигининг ривожланиш даражасидаги фарқлар туманнинг тарихий ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари, асосий фондларнинг ўлчамлари, жойлашиш хусусияти, иморатларнинг зичлиги ва қаватма-қаватлиги, аҳоли пункти ҳудудининг планировкаси, унинг конфигурацияси, турар жой ва саноат ҳудудларининг ўзаро жойлашуви ва ҳоказолар билан белгиланади.

Ушбу омилларнинг таъсири, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш жараёнида ва ишчи кучига бўлган талабда кўзга ташланади. Бунда тармоқ ва унинг таркибини ривожлантириш суръатларига нисбатан таъсир кўрсатувчи тармоқлар хизматларига бўлган эҳтиёжлар фарқларини аниқлаш учун замин яратилади.

Шундай қилиб, кўриб чиқилган омиллар гуруҳларидан ҳар бири маълум даражада уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш даражасини тавсифловчи кўрсаткичларда акс этади. Бунда ушбу даража ишлаб чиқаришни ривожлантиришда эришилган даража билан ўзаро боғлиқликда тармоқ хизматларига бўлган эҳтиёжларни ривожлантириш ва қондиришда эришилган босқични акс эттиради.

Ҳар бир минтақа коммунал хўжалигининг ривожланиши ўзига хос хусусиятларга эга. Қашқадарё вилоятида эса хизмат кўрсатиш соҳасини оқилона жойлаштиришга тўққинлик қилувчи майда қишлоқларнинг кўплиги билан хосдир.


Бундай ҳолатларда аҳолига хизмат кўрсатишнинг маълум даражасига эришиш учун катта миқдордаги майда корхоналар (муассасалар) талаб этилади, бу капитал қуйилмаларни нисбатан ошириш заруратини белгилаб бериш билан бир қаторда қатор бошқа қийинчиликларни ҳам келтириб чиқаради.

3. Ижтимоий инфратузилма объектларини бошқариш муаммолари ҳамда уларнинг фаолиятига таъсир этувчи ташқи ва ички омиллар

Маъмурий-буйруқбозликка асосланган бошқарув тизими ҳукм сурган шароитда ижтимоий инфратузилмани молиялаш манбалари фақат марказлаштирилган фондлар ва элементлар билан чекланган, улардан фойдаланиш тартиби ҳамда йўналиши жуда қаттиқ назорат қилинар эди.

Минтақанинг ижтимоий тараққиёти унинг хўжалик юритиш самарадорлигига боғлиқ эмас, худудий бошқарув идоралари, меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Кенгашлари аслида марказ, вазирликлар ва идоралар тазйиқи остида эди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ижтимоий инфратузилма тараққиётини бошқаришнинг асосий йўналишлари 3.1-расмда акс эттирилган йўналишлардан иборат бўлиши керак:



3.1-расм. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида ижтимоий инфратузилма тараққиётини бошқаришнинг асосий йўналишлари

- республика, тармоқ ва худудий бошқарув идораларининг вазифаси ҳамда мақсадлари, мулкый ҳуқуқларини чегаралаш;
- қишлоқ кенгашлари, туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари ролини қайта кўриб чиқиш;

– мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини ҳисобга олиб, ижтимоий соҳада қайта қуриш дастурини ишлаб чиқиш;

– хужжатлар ва тавсиялар, меъёрий йўриқномалар базасини тайёрлаш;

– минтақавий хусусиятлар ва омилларни ҳисобга олиш, буларга ижтимоий меъёр кўрсаткичлари тизимини ишлаб чиқишга диққат қилиш;

– уй-жой муаммоларига эътибор бериш ва якка тартибда уй-жой қурилишини ривожлантириш.

Шаҳар жойларда ижтимоий инфратузилма тараққиётини бошқариш муаммолари 3.2-расмда акс эттирилган бўлиб, у қуйидагилардан иборатдир:

– ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантиришда мўлжалланган маблағлар ва ресурсларни бошқаришга оид барча вазифаларнинг маҳаллий бошқарув идоралари қўлида ҳақиқатан жамланишига эришиш;

– хўжалик юритиш ва тармоқлар ҳамда ҳудудларнинг ўзаро таъсири ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш;

– минтақалар ўртасида ва ичида, унинг унсурлари, вертикал ва горизонтал тузилмалари ўртасида ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришдаги номуносабликларга барҳам бериш;

– шаҳар ва қишлоқ ижтимоий инфратузилмасини янада интеграция қилиш, бунда иш тизимларга хос ижобий жиҳатларни бутун чоралар билан ривожлантириш ҳамда уларнинг нохуш жиҳатларини имкон қадар чеклаш (ёки бартараф қилиш) мақсадини кўзлаш;

– шаҳарни ижтимоий қайта қуришнинг мақсадли, комплекс дастурини тузиш ва амалга ошириш, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, фаол демократик сиёсат юритиш.

Мазкур талабларнинг жами минтақа ижтимоий инфратузилмаси хўжалик механизмини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилайди.

Шаҳар жойларда ижтимоий инфратузилма тараққиётини бошқариш муаммолари қуйидагилардан иборат:

ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантиришда мўлжалланган маблағлар ва ресурсларни бошқаришга оид барча вазифаларнинг маҳаллий бошқарув идоралари қўлида ҳақиқатан жамланишига эришиш

хўжалик юритиш ва тармоқлар ҳамда ҳудудларнинг ўзаро таъсири ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш

минтақалар ўртасида ва ичида, унинг унсурлари, вертикал ва горизонтал тузилмалари ўртасида ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришдаги номуносибликларга барҳам бериш

шаҳар ва қишлоқ ижтимоий инфратузилмасини янада интеграция қилиш, бунда иш тизимларга хос ижобий жиҳатларни бутун чоралар билан ривожлантириш ҳамда уларнинг нохуш жиҳатларини имкон қадар чеклаш (ёки бартараф қилиш) мақсадини кўзлаш

шаҳарни ижтимоий қайта қуришнинг мақсадли, комплекс дастурини тузиш ва амалга ошириш, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, фаол демократик сиёсат юритиш

шаҳар лойиҳаларини тузишда ва қуришда республика ва хорижий мамлакатларнинг кредит муассасалари билан қўшма молиялаштирилишини ташкил этишни такомиллаштириш

3.2-расм. Шаҳар жойларда ижтимоий инфратузилмани бошқариш муаммолари

Хўжалик юритиш янги иқтисодий механизмининг яратилиши маҳаллий бюджетга кўпгина маблағларни жалб этиш имконини беради, аммо муайян жой шароитида мана шу барча ресурслар ҳар ҳолда корхона ва ташкилотлар ҳисобига шаклланади. Айни вақтда кўпчилик ҳокимликларда қишлоқда ижтимоий инфратузилма иншоотларини қуриш бўйича ягона буюртмачи вазифаларини бажариш учун ҳақиқий имконият вужудга келмаган.

Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш бошқарув механизмини яратишнинг турли вариантлари бир хил баҳоланишига қарамай, минтақадаги туманларнинг ўзига хослигига боғлиқ ҳолда вазиятни ривожлантиришнинг учта эҳтимолий йўналишини қўллаш учун асос бор. Улар қуйидагилардир:

- а) маблағлар ва ресурслар ҳокимлик қўлида жамланади;
- б) вазифалар агросаноат корхоналари ва ташкилотлар қўлида жамланади;
- в) дастлабки икки вариант энг мақбул тарзда бирга қўшилади.

Ижтимоий инфратузилманинг айрим унсурларини ривожлантириш вазифалари алоҳида тақсимланган тақдирдагина манфаатлар уйғунлигига эришиш мумкин.

Ижтимоий инфратузилма соҳасида самарадорликни ошириш узлуксизликни тақозо этадиган жараён дир. Давлат, нодавлат, нотижорат ва пуллик хизмат кўрсатиш субъектлари кам маблағ сарфлаган ҳолда, рақобатбоб ижтимоий хизмат турини хизматлар бозорига таклиф этишга интиладилар. Шу ўринда пуллик ижтимоий инфратузилма субъекти-тадбиркор бозорда талаби йўқ, керагидан ортиқ ижтимоий хизмат турини кўпайтириш, ходимлар сонини ошириш каби хизмат кўрсатишнинг экстенсив йўлидан чекинади, аксинча бунинг тескари ҳолати ўлароқ ўзи фаолият юритаётган ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳасини модернизациялаш, илмий-техника ютуқларидан фойдаланиш, ижтимоий меҳнат унумдорлигини ошириш, иқтисодий дастакларни ва моддий рағбатлантиришни такомиллаштириш, ўз фаолиятини оптимал режалаштириш ва башоратлаш, ахборот тизимини ривожлантириш, ҳамда ижтимоий психологик муҳитни яхшилаш каби ижтимоий хизмат кўрсатишни ривожлантиришнинг интенсив йўналишини танлайди. Пировардида тадбиркор учун юқорида таъкид этиб ўтилган ривожланишни интенсив йўналиши ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳасида самарадорликни ошишига олиб келиши шарт. Ҳозирги кунда олимлар ижтимоий инфратузилма соҳасида самарадорликни оширишни

муҳим омилларини қуйидаги гуруҳларга ажратганлар: психологик ва физиологик; санитария ва гигиена; ижтимоий-психологик ва эстетик; иқтисодий ташкилий; техник технологик, (3.3-расм).



3.3-расм. Ижтимоий инфратузилма самарадорлигини ошириш омиллари

Масалага шу нуқти назардан ёндошган ҳолда, ушбу соҳада Қарши шаҳрида хусусий стоматология билан шуғулланадиган пуллик хизмат кўрсатувчи хўжалик субъектининг самарадорлигини баҳолаш ва таҳлил қилишнинг анъанавий усулларига тўхталиб, унинг самарадорлигига таъсир этувчи омилларини аниқлашни тадқиқотлар тақазо қилади.


Ҳозирги кунда ижтимоий инфратузилма соҳасининг соғлиқни сақлаш ва аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш йўналишини пуллик ва бепул хизмат кўрсатиш натижасида нодавлат хусусий секторда сезиларли ўзгаришлар юз бормоқда. Соғлиқни-сақлаш соҳасининг хусусий стоматология, томография, гнекология, соғломлаштириш, диагностика ва даволаш масканларини бир қисми пуллик хизмат кўрсатиш фаолияти тармоқларига асосланмоқда.

Пуллик стоматологик хизмат кўрсатиш ҳам эркин рақобат шароитида

бозорда фаолият кўрсатмоғи лозим. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида бу ҳолатни тўғри баҳолаш учун унинг самарадорлик кўрсаткичларига аҳамият бериш лозим.

Пуллик хизмат кўрсатувчи стоматология соҳаси самарадорлигини ифодалашда, кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир ва улар қуйидагилардан иборат:

1. Стоматология соҳасининг рентабеллиги;
2. Бир стоматология ходими томонидан беморларга кўрсатиладиган ўртача хизмат;
3. Бир беморга кўрсатиладиган пуллик стоматологик хизматга тўғри келадиган ўртача тушум, (3.4-расм).



3.4 -расм. Пуллик хизмат кўрсатувчи стоматология соҳаси самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими

Хусусий стоматология хизмат соҳасининг рентабиллигини (C_{xx}) унга сарфланган доимий ва ўзгарувчи харажатлар йиғиндисидан келиб чиқиб аниқланади. Соҳанинг соф фойдасини (Φ) жами харажатлар суммасига (X_c)га бўлиб, 100 га кўпайтириш керак. Яъни:

$$C_{xx} = \frac{\Phi}{X_c} * 100 \quad (2.1)$$

Бу ерда: Φ - соҳанинг соф фойдаси, *минг сўм*

X_c - доимий ва ўзгарувчи харажатлар йиғиндисидан, *минг сўм*

Ушбу кўраткич мазкур соҳа учун сарфланган 100 сўмлик харажатга қанча фойда олинганлигини кўрсатади.

Бир хусусий стоматологик хизмат кўрсатувчи субъекти томонидан миқдорларга кўрсатиладиган ўртача пуллик хизматни ($C_{и.х.ўрт}$) аниқлаш учун кўрсатилган хусусий стоматологик хизматни барча миқдорлар сони ($M_{х.с.х}$) стоматологик хизматларнинг таҳлил давридаги ўртача сонига ($C_{х.с.ўрт}$) бўлинади.

$$C_{и.х.ўрт} = \frac{M_{х.с.х}}{C_{х.с.ўрт}} \quad (2.2)$$

Бу ерда: $C_{и.х.ўрт}$ - миқдорларга кўрсатиладиган ўртача пуллик хизмат, *киши*

$M_{х.с.х}$ – барча миқдорлар сони, *киши*

$C_{х.с.ўрт}$ – стоматологик хизматларнинг таҳлил давридаги ўртача сони, *киши*.

Ушбу кўрсаткич ҳисобот даврида бир хусусий стоматологик хўжалик субъекти ўртача нечта беморга пуллик хизмат кўрсатилганлигини билдиради.

Бир миқдорга хусусий стоматология хўжалик юритувчи томонидан пуллик хизмат кўрсатилганда унга тўғри келадиган ўртача тушумни ($C_{х.т.ўрт}$) аниқлаш учун барча тушумни ($T_{и}$) ҳисобот давридаги хусусий кўрсатилган ижтимоий субъектларнинг умумий ҳажмига ($C_{х.у.ҳаж}$) бўлиш лозим яъни:

$$C_{x,y,\dot{y}rt} = \frac{T_{и}}{C_{x,y,\dot{x}аж}} \quad (2.3)$$

Бу ерда: $C_{x,t,\dot{y}rt}$ - бир миждозга тўғри келадига ўртача тушум, *сўм/киши*

$T_{и}$ – миждозларга кўрсатилган хизматлардан тушган тушум, *минг сўм*

$C_{x,y,\dot{x}аж}$ – ҳисобот давридаги хусусий кўрсатилган ижтимоий субъектларнинг умумий ҳажми, *киши*

Ушбу коэффициент ҳисобот даврида бир миждозга тўғри келадиган тушум миқдорини яъни бир миждозга пуллик хизмат кўрсатилганда қанча даромад келтиришини ифодалайди. Таҳлил жараёнида ушбу 3 та кўрсаткични ҳар бирини алоҳида, ўзаро боғлиқ ҳолда, комплекс тарзида ўрганиш зарур. Услубий асос сифатида бир миждозга кўрсатиладиган пуллик, бир беморга кўрсатиладиган пуллик стоматологик хизмат тўғри келувчи ўртача тушум кўрсатишининг ўзгариши ва унга таъсир этувчи омилларни ҳисоблаш усуллари формулалар асосида таҳлил қилишимиз мумкин.

Ўтказилган тадқиқотларнинг кўрсатишича бир миждозга кўрсатиладиган пуллик ижтимоий хизматга тўғри келувчи ўртача тушумнинг ўзгаришига бир қанча омиллар таъсир қилар экан, улар жумласига бир ойлик пул тушуми (M_i); жараён учун белгиланган хизмат вақти (C_t); корхонада ижтимоий хизмат кўрсатувчи ходимлар сони (P_{ac}); бир соат давомида беморларга кўрсатиладиган ижтимоий хизматларнинг ўртача сони ($K_{\dot{y}rt}$); пуллик стоматологик хизматлар кўрсатувчи ходимларни бир ойлик ўртача иш куни ($D_{\dot{y}rt}$); ходимнинг аниқланган тиш касаллиги бўйича бир кунлик иш вақти (I_t) каби ўз таъсирини ўтказди. Бундан ташқари ёрдамчи омиллар сифатида қуйидагиларни таъкидлаб ўтиш зарур: (P_q)-ходимнинг профессионал тажрибасига; (M_o)-хорижда харид қилинган хом ашё баҳоси; (I_r)-инвестиция ҳажмига; (P_m)-иш ҳақининг ошиши; (S_d)-миждозларнинг даромади.

Ушбу омиллар орасида боғлиқликни аниқлаш қуйидаги формулада ўз ифодасини топади.

$$C_{\text{туш}} = \frac{T_i}{P_q * M_o * I_T * W_p * R_i * M_i * C_t * P_{ac} * K_{\text{ўрт}} * I_t} \quad (2.4)$$

Формуладан кўриниб турибдики пуллик стоматологик ижтимоий хизматга тўғри келувчи ўртача тушумни ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар сони 11 тани ташкил қилади. Аммо, ушбу формуладан пуллик стоматологик хизматга тўғри келувчи ўртача тушумни ўзгаришига таъсир қилувчи асосий омилларни аниқлаганимизда қуйидаги формулага эга бўламиз:

$$C_{\text{туш}} = \frac{T_i}{M_i * C_t * P_{ac} * K_{\text{ўрт}} * I_t} \quad (2.5)$$

Бу ерда: $C_{\text{туш}}$ - пуллик стоматологик ижтимоий хизматга тўғри келувчи ўртача тушум, *сўм*

T_i – миждозларга кўрсатилган хизматлардан тушган тушум, *минг сўм*

M_i – бир ойлик пуллик тушуми, *минг сўм*

C_t – белгиланган хизмат ҳақи, *минг сўм*

P_{ac} – корхонада ижтимоий хизмат кўрсатувчи ходимлар сони, *киши*

$K_{\text{ўрт}}$ – бир соат давомида беморларга кўрсатиладиган ижтимоий хизматларнинг ўртача сони, *киши*

I_t – ходимнинг аниқланган тиш касаллиги бўйича бир кунлик иш вақти, *соат*.

Мазкур формуладан фойдаланиб натижа ўзгаришига таъсир этувчи 6 та асосий омиллар таъсирини занжирли алмаштириш усули тавсия этилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган формулаларда назарий тавсиялар ўз ифодасини топган бўлиб, уларда амалий маълумотларни қўллаш йўли билан натижа ўзгаришида тегишли омиллар таъсири ва мавжуд ички имконияларини аниқлаб, улардан рационал фойдаланишга доир пуллик

ижтимоий хизматнинг стоматология хизмат турида хўжалик юритувчи субъектларнинг бошқарув қарорини қабул қилишда тадбиқ қилиш мумкин.

Тадқиқотларимиз натижаси шуни кўрсатдики, омиллар таъсири натижага боғлиқлиги учун уларни аниқлаш мақсадида иқтисодий таҳлилнинг бир қанча усулларидан фойдаланиш мумкин. Ушбу усуллар орқали ўрганилаётган натижавий кўрсаткичга таъсир этувчи омиллар таъсирини аниқлаш билан бирга тегишли бошқарув қарорларини қабул қилишда ички имкониятлардан фойдаланиш йўллари кўрсатиб берилади. Бу ҳолат ижтимоий соҳасини ривожлантириш ва самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга чунки бозор муносабатлари шароитида барча ресурс ва маблағлар мулкдорга тегишли бўлиб, улардан самарали фойдаланишда нафақат мулкдор балки давлат ва жамият ҳам манфаатдордир. Шу мақсадда тадқиқотимиз орқали Қашқадарё вилояти Қарши шаҳрида пуллик хизмат кўрсатувчи хусусий стоматологиянинг ҳолатини ўргандик.

II- боб бўйича хулоса

Иқтисодиётни барқарор ривожлантиришда хизмат кўрсатиш соҳасининг ўрни бекиёс бўлиб, 2013 йилнинг бошида 2013-2016-йилларда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Ваҳоланки, 2013-йилнинг ўзида хизмат кўрсатиш бўйича 13 мингдан ортиқ корхона, жумладан, савдо-маиший комплекслар, минибанклар ва суғурта компаниялари филиаллари ва бошқа корхоналар ташкил этилди.

Қашқадарё вилоятида аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача кўрсаткичларни таҳлил қилганимизда, аҳоли истеъмол моллари ишлаб чиқариш 1 кишига 2010 йилда 143317,2 сўмни, 2013 йилда эса 221690,8 сўм бўлиб, 2010 йилга нисбатан 54,7 фоизга ошган. Қарши туманида эса бу кўрсаткич 43,3 фоизга ошганлигини кўриш мумкин. Вилоятимизда чакана товар айланмасини туманлар кесимида оладиган бўлсак, вилоят бўйича 2010 йилда 534166,4 сўмни, 2013 йилда эса 1171056,5 сўмни ташкил қилиб, 2010 йилга нисбатан 2013 йилда 219,2 фоизга ошганлигини кўришимиз мумкин. Қарши туманида чакана товар айланмаси 59 фоизга ошиб, туманлар ичида энг катта кўрсаткичга эга бўлган.

Бугунги кунда аҳолини ҳар томонлама шинам ва қулай уй-жойлар билан таъминлаш, уй-жой массивлари атрофидаги инфратузилмаларни обод қилиш юзасидан олиб борилаётган улкан ишлар одамларнинг кайфияти ва дунёқарашига, уларнинг ҳаёт сифатига қандай кучли таъсир кўрсатаётгани ҳақида ортиқча сўз юритишнинг зарурати йўқ, деб ўйлайман.

2014-йилда таълим-тарбия соҳасида 380 та умумтаълим мактаби ҳамда 161 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицейни реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш учун 410 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтириш мўлжалланмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ этиш ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш масалалари 2014-йилда ҳам доимий эътиборимиз марказида бўлиб, жорий йилда ушбу соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун ажратиладиган маблағлар 407 миллиард сўмдан зиёдни ташкил этади ёки уларнинг ҳажми қарийб 30 фоизга ортади.

Бизнинг фикримизча, пуллик стоматологик хизмат кўрсатиш ҳам эркин рақобатда бозорда фаолият кўрсатмоғи лозим. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида бу ҳолатни тўғри баҳолаш учун унинг самарадорлик кўрсаткичларига аҳамият бериш лозим, деб ҳисоблаймиз ва бу кўрсаткичлар қуйидагилардан иборатдир: стоматология соҳасининг рентабеллиги; бир стоматология ходими томонидан беморларга кўрсатиладиган ўртача хизмат; бир беморга кўрсатиладиган пуллик стоматологик хизматга тўғри келадиган ўртача тушум.

III боб. Мамлакатни модернизациялаш шароитида ижтимоий инфратузилма фаолиятининг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш йўллари

1. Ижтимоий инфратузилма фаолиятининг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш

Бугунги кунда давлатимиз томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича унинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий асослари яратилмоқда ва такомиллаштирилиб борилмоқда. Тадбиркорликка оид қонунларнинг ривожланишига назар ташлайдиган бўлсак қуйидагиларни кузатишимиз мумкин: турли хил мулкчилик тенглигининг таъминланганлиги, унинг Конституциямизда ўз ифодасини топиши, мустақилликнинг дастлабки кунларидан Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуни қабул қилиниши (1991 йил 15 февраль), унинг 1995 йил 21 декабрда такомиллаштирилган «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида»ги, сўнгра 2000 йил 20 майда «Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунларининг ишлаб чиқилиши тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини яратиш учун муҳим ҳуқуқий асослардан бири бўлди.

Ушбу қонунлар жамият тараққиётига мослаштирилиб, такомиллаштириб борилди. Натижада 2000 йил 25 майда «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида» янги қонун қабул қилинди. У яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти, микрофирмалар, кичик ва хусусий корхоналарни ташкил этиш ҳамда уларни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асоси сифатида тадбиркорлар учун кенг йўл очиб берди.

Тадқиқот давомида мамлакатимизда ижтимоий инфратузилма объектларини ташкил этиш ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун нима қилиш керак деган саволга жавоб топишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Бозор иқтисодиётига ўтишда кўринадикки бунда кўп мулкчилик (Жумладан: давлат мулки, хусусий мулк, жамоа мулки ва ҳ.к.) вужудга келди. Эркин бозор иқтисодиётининг энг асосий қоидаларидан бири рақобат борган сари кучайиб бораётган бир шароитда мамлакатимизда ижтимоий инфратузилма объектларини бозор иқтисодиётига яъни рақобатга мослашуви, рақобатда ютиб чиқиши учун давлат корхоналарида қандай ишларни олиб бориши зарурлиги ва хусусий секторда қандай ишларни бажариш лозимлиги тўғрисида баъзи бир фикрларни олға сурдик.

Қашқадарё вилоятида хизмат кўрсатиш соҳалари ривожланиши истиқболлари масаласи ҳам, айтиш жоизки, юқори давлат раҳбари томонидан белгилаб берилган устувор вазифалар ечимида гавдаланади. Вилоятда бугунги кунда хизматлар секторини ташкил этиш ва ривожлантиришга бир неча йўналишдаги ёндошувни кузатиш мумкин. Чунончи, биринчидан, мамлакатимизнинг барча минтақаларини узлуксиз боғловчи ягона миллий автомобиль транспорт тизимини барпо этиш лойиҳаларининг амалга оширилиб борилиши шароитида Қашқадарё вилоятида ҳам халқаро даражадаги автомобиль йўллари, айтиш пайтда, техник, маиший, савдо ва умумий овқатланиш хизмати шаҳобчалари тизимини янада такомиллаштириш; иккинчидан, маълумки жорий йилда «2011-2015 йилларда Ўзбекистон саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Дастур қабул қилинди. Бундан кўринадикки, келажак 4-4,5 йилда мамлакатимизда, жумладан, унинг минтақаларида том маънодаги индустрлаштириш даври бўлади. Бу эса ўз навбатида саноат ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва ривожлантиришга хизмат кўрсатувчи сервис соҳалари – транспорт, фан ва илмий-техник, таълим, молиявий, консалтинг, маркетинг, ижтимоий-маиший ва бошқа турдаги хизмат соҳалари учун барқарор талабни шакллантиради; учинчидан, иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши, нарх барқарорлигига эришиш ва унинг ташқи омилларга

мойиллигини пасайтириш, минтақавий бирликларнинг ўзаро интеграциясини чуқурлаштириш мақсадида миллий логистика тизимини такомиллаштириш негизида моддий-таъминот соҳасидаги хизматларни изчил ривожлантириш муҳим йўналишлардан ҳисобланади; тўртинчидан, маълумки, Қашқадарё вилоят иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги стратегик тармоқлардан бири ҳисобланади. Бугунги иқтисодиётни модернизациялаш ва интенсив хўжалик юритиш шароитида вилоят агросаноат мажмуасининг истиқболлини хизматлар секторисиз тасаввур қилиш қийин. Бу борада энг асосий масала замонавий технологиялардан фойдаланиш билан боғлиқдир. Бу эса ўз навбатида агросервис соҳалари, жумладан, селекция ва наслчилик хизматлари, агрокимё, агротехник ва мелиорация хизматлари, фан ва таълим хизматларига талабнинг изчил ўсишини кўрсатади; бешинчидан, бугун жаҳонда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам хизматлар секторининг янги, ноанъанавий турлари тез суръатларда ривожланиб бормоқда.

Қашқадарё вилоятида кичик бизнес корхоналари сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Ушбу жадвалда вилоятда иқтисодиёт соҳалари бўйича кичик бизнес корхоналарининг 2012-2013 йиллар давомида ўзгариши келтирилган бўлиб, 2013 йилда жами 16087 та кичик тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатиб келмоқда ва бу кўрсаткич 2012 йилга нисбатан 0,4 фоизга ёки 599 тага камайганлигини кўриш мумкин (1.1-жадвал).

1.1-жадвал

Фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари сони

(бирлик)

т/р	Кўрсаткичлар	Жами		шу жумладан:			
				кичик корхоналар		микрофирмалар	
		1.01.2013й.	1.01.2014й.	1.01.2013й.	1.01.2014й.	1.01.2013й.	1.01.2014й.
1	Жами	16686	16087	1513	1319	15173	14768
Шу жумладан тармоқлар:							
2	Саноат	2356	2300	76	70	2280	2230

3.1.1-жадвалнинг давоми

3	Қурилиш	2148	2099	131	144	2017	1955
4	Қишлоқ хўжалиги	2807	2843	113	75	2694	2768
5	Транспорт ва алоқа	758	653	81	77	677	576
6	бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари	838	837	6	12	832	825
7	савдо ва овқатланиш	6432	6072	669	516	5763	5556
8	Маиший хизматнинг ноишлаб чиқариш тури	312	269	10	10	302	259
9	соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, ижтимоий таъминот	483	495	172	172	311	323
10	Таълим, маданият, фан ва илмий хизмат кўрсатиш	398	372	238	227	160	145
11	бошқа ноишлаб чиқариш тармоқлари	154	147	17	16	137	131

Эътиборимизни соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминотга қаратадиган бўлсак, 2012 йилда кичик тадбиркорлик субъектлари сони 483 та бўлган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 495 тани ташкил этмоқда. Демак, бу соҳада кичик тадбиркорлик фаолияти 102,5 фоизга кўпайганлигини кўриш мумкин.


Ижтимоий инфратузилма объектларида хусусий секторни оладиган бўлсак, жумладан тиббий хизматларни мисол қиламиз. Аввало пуллик тиббий хизматларни ривожлантиришимиз, хусусий поликлиникаларни, касалхоналарни кўпайтиришимиз керак деб ҳисоблаймиз. Бунда биринчи ўринда тиббий хизматларнинг сифат даражаси жуда юқорилиги

таъминланади, малакали ва билимдон мутахассислар айнан хусусий секторда жамланиш коэффициенти юқори бўлади. Замонавий асбоб анжомлар билан таъминланиш даражаси ҳам юқори бўлади. Бундай рақобат шароитида энди давлат корхоналарини ҳам хусусий сектордан қолиб кетмаслик чораларини кўришимиз зарур. Биринчи навбатда ходимларнинг ойлик маошини хусусий касалхоналар ойлик маошидан юқорироқ даражага кўтариш лозим. Давлат томонидан эскирган асбоб ускуналарни замонавийлаштиришни йўлга қўйиш, ходимларнинг билим ва малакасини доимий суръатларда ошириб бориш ва камида бир йилда бир марта давлат аттестациясидан ўтказиб туриш лозим. Давлат корхоналарида даволаниш бепуллигини ҳисобга олган ҳолда тиббий хизмат турларини кўпайтириш, давлат томонидан турли хилдаги имтиёзларни жорий қилиш, солиқ имтиёзларини беришимиз, масалан, ишчи ходимларнинг даромад солиқларидан озод қилиш каби ишларни амалга оширишимиз зарур.

Энди учинчи томон истеъмолчиларнинг ҳошиш истаклари ва истеъмолчиларнинг ушбу пуллик ва бепул хизматларни тўғри қабул қилишига эришишимиз зарур деб ўйлаймиз. Бунинг учун масалан; тиббий хизматни олайлик бунда давлат касалхоналари ҳам мавжуд, хусусий сектор вакиллари ҳам мавжуд бўлган ҳолда, истеъмолчининг ўзида танлаш ихтиёри бўлсин. Истеъмолчиларни мана шундай шароитга мослаштиришимиз зарур бўлади.

Эндики асосий вазифалардан бири қишлоқ аҳолисини уй-жой билан таъминлаш масаласи турибдики, бу масала бугунги кунда долзарб бўлиб ҳисобланади. Шу боис ҳам мана уч йилдирки, қишлоқда уй-жой куриш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни жадаллаштириш дастурининг пухта ижросини таъминлаш мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим устувор йўналишлари қаторига киритилмоқда. Яъни, қишлоқларимиз ҳаёт сифати, аҳолининг ижтимоий-сиёсий ва маданий савияси, онги ва фуқаролик масъулияти ошишининг мустаҳкам ташкилий

асосга қўйилишида замонавий уй-жойлар қурилишига алоҳида эътибор қаратилиши муҳим ўрин тутмоқда¹². Бунда, белгиланган вазифаларни мутасадди шахсларнинг тушуниш ва ижро этиш масъулиятига қараб замонавий раҳбарга нисбатан қўйиладиган талабларга уларнинг қанчалик жавоб бериши тўғрисида хулоса чиқариш имкони ҳам ортмоқда, (1.1-расм).




1.1-расм. Қишлоқ жойларида якка тартибдаги турар-жой массивларини қуриш лойиҳаси

Бинобарин, замонавий уй жойлар қурилишининг мазмун-моҳияти қишлоқларимиз қиёфасининг тубдан ўзгартирилиши борасидаги бир-бири билан ҳамбарчас боғлиқ узок муддатли кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилиши, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси ривожланишининг жадаллашувидан далолат бермоқда. Яъни, фермер хўжаликлари ривожига ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Шунингдек, қишлоқда мулкдорнинг, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг имтиёз ва рағбатлантириш чоралари кенгайиб, янги имкониятлар яратилмоқда¹³.

¹² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги ПҚ-1046-сонли «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили Давлат Дастури тўғрисида» ги Қарори.

¹³ Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби.// Президент Ислон Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009

Қурилаётган уй-жойларнинг эгаларига молия муассасалари томонидан 15 йил муддатга йиллик 7 фоиз ставка бўйича кредит ажратилиши, уй битгач эса, у шахсий мулк сифатида қабул қилиб олинishi, газ, сув, электр энергияси ва бошқа муҳандислик тармоқларига ҳеч қандай қўшимча тўловларсиз уланиши каби бир қатор енгилликлар фуқаролар учун диққатга сазовордир.



1.2-расм. Республикада уй-жой қурилишига йўналтирилган хорижий сармоялар

2013-йилда қишлоқ жойлардаги 353 та массивда умумий майдони 1 миллион 500 минг квадрат метр бўлган 10 мингта шинам уй-жойлар барпо этилди, бу кўрсаткич 2012-йилга нисбатан 17 фоизга кўпдир. Ушбу мақсадлар учун қарийб 650 миллион доллар қийматидаги маблағ йўналтирилди. Бунинг 106 миллион доллари Осиё тараққиёт банкининг кредит маблағларидир.

Қишлоқларимизни обод қилиш, қишлоқ аҳолисининг турар-жой шароитларини яхшилаш бўйича бизнинг бундай тажрибамиз халқаро ҳамжамиятда катта қизиқиш уйғотмоқда.

2013 апрель ойида Тошкент шаҳрида замонавий уй-жой қурилиши мавзусида ўтказилган халқаро конференцияда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари уюшмаси (АСЕАН), ЮНЕСКО ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари, дунёнинг 60 дан зиёд мамлакатидан 300 дан ортиқ олим, мутахассис ва экспертлар иштирок этгани бунинг ёрқин исботидир.

2. Ижтимоий инфратузилма соҳасини ривожлантириш ва самарадорлигини оширишнинг бозор механизмларини такомиллаштириш

Ижтимоий инфратузилма иқтисодиётда ўзининг ресурслари, ишчи кучи, технологияси, тадбиркорлик ва бошқарув кўникмаларига эга механизмлардан ташкил топган тизимдир. Унинг асосий мақсади инсон омилини ривожлантириш, жамият эҳтиёжларига хос муаммоларни ўрганиш ва истиқболни тушунтириб беришдан иборат. Бундай мураккаб жараён иқтисодий ҳодиса сифатида товар ва хизматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айрибошлаш ва истеъмол муносабатлари орқали амалга ошишини тадқиқотлар кўрсатмоқда.

Комплектив хусусиятга эга ушбу вазифаларни юқори даражада самарали бажариш учун давлат томонидан амалга ошириладиган ижтимоий хизматлар учун инвестиция, тижорат тармоқлари томонидан кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар учун хусусий капитал, нотижорат ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун сармоя, оила томонидан кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар учун оила бюджетига тегишли маблағ, аралаш, ҳамкор миллий ижтимоий хизмат кўрсатувчи субъектлар учун инвестиция ва оқилона самарали бошқарув зарур бўлади. Ижтимоий хизматлар иқтисодиётини унинг истеъмолчилари, ижтимоий хизматларни

таклиф этувчилар ва давлат ҳаракатга келтиради. Бу ҳаракатни мавжуд тизимда бозор механизми амалга оширади. Бозор механизми деганда назарий жиҳатдан (жамият барча соҳаларидаги иш фаолиятларни) амалга ошириш ва тартибга солиш учун ишлатиладиган ташкилий-иқтисодий шакллар, ҳуқуқий нормалар, иқтисодий дастаклар ва бошқарув усулларининг мажмуасини тушунамиз. Конкрет шароитда бозор механизми - бу ташкилий тузулмалар (таркиб), хўжалик юритиш шакллари, бошқарув усуллари, ҳуқуқий нормалар ва иқтисодий дастаклар мажмуаси орқали иқтисодий конунлар талабларини жамият томонидан ишлатишдир. Бозор механизмининг элементларига қуйидагилар киради: режалаштириш, бошқарувни ташкилий(таркиб) тузилмаси, баҳо, ҳуқуқий нормалар, воситалар (солиқ, кредит, санкциялар, бюджетга тўловлар, иш ҳақи, рағбатлантириш фонди).

Ижтимоий хизматлар бозор механизми ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизими ичида амал қилади. Шу сабабли, унинг бозор механизми моҳиятини назарий ва методологик нуқтаи назардан қуйидагича ёритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Ижтимоий хизматлар бозор механизми моҳияти бозор субъектларини бепул ва пуллик хизматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айрибошлаш ва истеъмол қилиш жараёндаги иқтисодий фаолиятларини ягона алоқалар тизимида намоён бўлади. Ушбу жараёнда бозор механизми бир қатор функцияларини бажаради. Уларга ташкилий-бошқарув, тақсимлаш, айрибошлаш, истеъмол таркибини шакллантириш, баҳолаш, рағбатлантириш, такрор ишлаб чиқариш иштирокчиларини жамиятдаги ижтимоий ва иқтисодий жавобгарлигини таъминлаш кабиларини киритиш мумкин. Юқоридагилардан келиб чиқиб, ижтимоий инфратузилма фаолиятининг ташкилий-иқтисодий асосларини бозор механизмини ижтимоий-иқтисодий муносабатлар билан ўзаро боғлиқлигини қуйидагича ёритиш зарур. Биринчидан, ижтимоий инфратузилма объектларининг бозор механизмини

ишлаб чиқариш муносабатлари соҳаси билан алоқаси. Ушбу соҳада ижтимоий хизматлар бозор механизми ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлган барча иқтисодий муносабатларни қамраб олади:

- ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш бўйича муносабатлар;
- ишлаб чиқариш корхоналарини тармоқлар, хуудлар, давлат ва давлатлараро миқёсида кооперациялаштириш муносабатлари ;
- табиий, моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан фойдаланиш муносабатлари;
- инвестициялаш муносабатлари;
- маҳсулотларни баҳолаш муносабатлари ва ҳоказолар.

Иккинчидан, ижтимоий инфратузилма объектларининг тақсимот соҳасидаги муносабатлар:

- табиий бойликлар, меҳнат, моддий ресурсларни бозор субъектлари ўртасида тақсимлаш (бу тақсимот пул даромадларини, ишчи кучини, моддий техник қувватларни ва табиий бойликларни тақсимлашда ўз ифодасини топади);
- давлат ва бозор субъектлари ўртасида даромадларни тақсимлаш;
- бозор субъектлариаро, улар ичида, яъни бозор субъектлари ва ишчи хизматчилар, акционерлар ўртасида даромад тақсимоти ва бошқалар.

Учинчидан, ижтимоий хизматларни айрибошлаш жараёнидаги муносабатлар.

- ижтимоий инфратузилма объектларининг айирбошлаш ташкилий тузилмаларини шакллантириш ва тижорат менежменти билан боғлиқ муносабатлар;
- ижтимоий инфратузилма объектларининг тижорат фаолиятини тартибга солувчи воситалар, иқтисодий дастаклардан фойдаланишда вужудга келадиган ҳолатлар;

- товар ишлаб чиқарувчилар билан шартномавий муносабатлар;
- рақобатчилар билан муносабатлар.

Тўртинчидан, ижтимоий инфратузилма объектларининг истеъмол соҳасидаги муносабатлар.

- маркетингни ташкил қилиш билан боғлиқ муносабатлар (таклиф ва талабни ўрганиш, реклама, товарларни сотиш, баҳосини шакллантириш);
- рационал истеъмолни шакллантириш билан боғлиқ муносабатлар.

Ушбу муносабатлар бир-бири билан тигиз боғлиқ бўлиб, бир-бирига қўшилиб кетади, бири-бирига айланади.

Тадқиқотлар бу тўрт хил муносабатлар макроиктисодий, мезоиктисодий ва микроиктисодий даражаларда намоён бўлиши ҳақида далолат бермоқда. Масалан, макроиктисодий даражада ижтимоий хизматлар бозор механизми жамиятни бошқаришни ташкилий тузулмаси ва уларни бажарадиган функциялари билан тигиз боғлиқ бўлиб, унинг ҳаракати ташкилий тузулмалар орқали тартибга солинади.

Бозор муносабатларининг тобора чуқурлашуви ўзига хос бозор инфратузилмалари тизими ривожланишини рағбатлантирмоқда. Бугунги кунда давлат ўзинг хусусийлаштириш, давлат сектори буюртмаларини тақдим этиш ёки давлат харидини амалга оширишда давлат органларининг бевосита иштирокидан воз кечган ҳолда, ихтисослашган биржалар савдоларидан, брокерлик фирмалари хизматларидан фойдаланмоқда. Бунинг самарасида бир томондан, бозор инфратузилмаларини ривожлантириш, иккинчидан эса, иқтисодиётни либераллаштириш, давлатнинг хўжалик муносабатларига аралашувини сезиларли даражада камайтириш имконияти туғилмоқда.

Мамлакатимизда, шу жумладан, Қашқадарё вилоятида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳалари ривожланишидаги мазкур устувор йўналишларни ҳисобга

олган ҳолда вилоят учун хос бўлган қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш таклиф этилади:

– вилоят иқтисодиётининг тармоқ таркибини янада кенгайтириш, диверсификациялаш, хизматлар соҳасини ривожлантириш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш орқали ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, шу орқали вилоят молия-иқтисодий барқарорлигини, мустақиллигини таъминлаш;

– хизматлар секторида ресурс айланиши тезлигини инобатга олган ҳолда, хизматлар ҳажмини ошириш орқали пул маблағларининг ички ҳаракатини фаоллаштириш, пул айланмаси ҳажмини ошириш, яъни, аҳоли истеъмол харажатлари ҳажмида вилоят хўжалиги томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва хизматлар реализацияси улушини кўпайтириш;

– вилоят хўжалигининг ихтисослашувида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг устивор тармоқ сифатида яқин келажакда ҳам сақланиб қолиниши шароитида, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини самарали ташкил этиш, янги барпо этилаётган фермер ва деҳқон хўжаликларининг агроинфратузилма хизматларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш, шу орқали ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини пасайтириш, ишлаб чиқаришнинг техник, кимёвий ўғитлар, янги ўсимликлар навлари ва ҳайвон насллари таъминотини изчил йўлга қўйиш;

– фермер ва деҳқон хўжаликлари, шунингдек, хўжалик фаолиятининг бошқа соҳаларида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иқтисодий ва моддий имкониятлари даражасида маҳаллий шарт-шароитларни инобатга олувчи хизматлар кўрсатиш тизимларини юзага келтириш;

– аҳолининг мунтазам бандлигига эришиш, барқарор даромадларга эга бўлиши учун моддий асосни шакллантириш орқали, ташкил этилаётган

маиший ва ижтимоий инфратузилмалар ҳисобига аҳолининг турмуш маданиятини ошириш;

– ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш орқали вилоят хўжалик ихтисослашувига йўналтирилган соҳалар бўйича малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш;

– вилоятда хизматлар секторининг саноатга хизмат кўрсатувчи тармоқларини янада кенгайтириш;

– банк, суғурта, лизинг ва бошқа бозор хизматларини янада кенгайтириш, аҳоли қатламлари ўртасида ушбу янги хизмат турлари афзалликларини кенг тарғиб қилиш;

– хизмат кўрсатиш тузилмаларига имтиёзли кредит тизимини жорий этиш, уларни зарурий ахборот ресурслари билан узлуксиз таъминлаш тизимини яратиш;

– маиший ва бошқа анъанавий хизмат турлари, жумладан, савдо, умумий овқатланиш тармоқларини модернизациялаш, уларнинг сифат даражасини ошириш, бу борада айниқса, таъминот ва тайёрлов тизимини шакллантириш ва бошқалар.

Мустақиллик йилларида иқтисодиётни ислоҳ қилишга қаратилган ўндан зиёд қонунларнинг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши нафақат иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва модернизация қилишнинг мустаҳкам асоси, балки амалга оширилаётган бозор ислохотларини ортга қайтариб бўлмаслигининг кафолати ҳам бўлди.

Шунингдек, мамлакатимизда бозор иқтисодиётининг асоси бўлган хусусий мулк устуворлигини мустаҳкамлайдиган барқарор қонунчилик базаси яратилди. Мулкдорлар синфини шакллантириш, мамлакат иқтисодиётини барқарор юксалтириш, янги иш ўрини яратиш ва аҳоли даромадини

Қашқадарё вилоятида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳалари ривожланишидаги устувор йўналишлар

вилоят иқтисодиётининг тармоқ таркибини янада кенгайтириш, диверсификациялаш, хизматлар соҳасини ривожлантириш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш орқали ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, шу орқали вилоят молия-иқтисодий барқарорлигини, мустақиллигини таъминлаш

хизматлар секторида ресурс айланиши тезлигини инобатга олган ҳолда, хизматлар ҳажмини ошириш орқали пул маблағларининг ички ҳаракатини фаоллаштириш, пул айланмаси ҳажмини ошириш, яъни, аҳоли истеъмол харажатлари ҳажмида вилоят хўжалиги томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва хизматлар реализацияси улушини кўпайтириш

вилоят хўжалигининг ихтисослашувида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг устувор тармоқ сифатида яқин келажакда ҳам сақланиб қолиниши шароитида, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини самарали ташкил этиш, янги барпо этилаётган фермер ва деҳқон хўжалиklarининг агроинфратузилма хизматларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш, шу орқали ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини пасайтириш, ишлаб чиқаришнинг техник, кимёвий ўғитлар, янги ўсимликлар навлари ва ҳайвон насллари таъминотини изчил йўлга қўйиш

фермер ва деҳқон хўжаликлари, шунингдек, хўжалик фаолиятининг бошқа соҳаларида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иқтисодий ва моддий имкониятлари даражасида маҳаллий шарт-шароитларни инобатга олувчи хизматлар кўрсатиш тизимларини юзага келтириш

аҳолининг мунтазам бандлигига эришиш, барқарор даромадларга эга бўлиши учун моддий асосни шакллантириш орқали, ташкил этилаётган маиший ва ижтимоий инфратузилмалар ҳисобига аҳолининг турмуш маданиятини ошириш

ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш орқали вилоят хўжалик ихтисослашувига йўналтирилган соҳалар бўйича малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш

вилоятда хизматлар секторининг саноатга хизмат кўрсатувчи тармоқларини янада кенгайтириш

банк, суғурта, лизинг ва бошқа бозор хизматларини янада кенгайтириш, аҳоли қатламлари ўртасида ушбу янги хизмат турлари афзалликларини кенг тарғиб қилиш

хизмат кўрсатиш тузилмаларига имтиёзли кредит тизимини жорий этиш, уларни зарурий ахборот ресурслари билан узлуксиз таъминлаш тизимини яратиш

маиший ва бошқа анъанавий хизмат турлари, жумладан, савдо, умумий овқатланиш тармоқларини модернизациялаш, уларнинг сифат даражасини ошириш, бу борада айниқса, таъминот ва тайёрлов тизимини шакллантириш ва бошқалар

оширишнинг муҳим омили бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш бўйича қулай ишбилармонлик муҳити ҳамда ишончли ҳуқуқий кафолатлар яратилиши натижасида сўнгги йилларда ялпи ички маҳсулот таркибида кичик бизнеснинг улуши йилдан йилга ўсмоқда. Ушбу соҳада бандлик даражаси иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд аҳоли умумий сонининг 75 фоизидан ошди.

Қайд этиш жоизки, бугунги кунда давлат бошқаруви органларининг хусусий тадбиркорлик фаолиятига аралашувини янада кўпроқ чеклаш, давлатнинг назорат ва бошқарув ваколатини кескин камайтириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф қилиш бўйича ислохотлар давом этмоқда. Шубҳасиз, ушбу жараёнда лицензиялар ва турли рухсатномалар беришни кескин қисқартириш, амалдаги рўйхатга олиш, бизнес юритиш учун лицензия ва рухсатнома бериш тизимини яна бир бор чуқур таҳлил қилиш, янги корхоналар ва бизнес ташкилотларини рўйхатга олишнинг аксарият ҳолларда хабардор этиш тизимига ўтиш каби янгиликларнинг жорий қилингани бизнес субъектларини ташкил этишни соддалаштириш ва уларнинг янада эркин фаолият юритишларини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Бу борада, шубҳасиз, сўнгги йилларда қабул қилинган қонунлар, Президентнинг фармон ва қарорлари муҳим аҳамиятга эга бўлаётганини айтиш жоиз.

III- боб бўйича хулоса

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ижтимоий инфратузилмани тўрт хил муносабатлар макроиктисодий, мезоиктисодий ва микроиктисодий даражаларда намоён ҳақида далолат бермоқда. Масалан, макроиктисодий даражада ижтимоий хизматлар бозор механизми жамиятни бошқаришни ташкилий тузулмаси ва уларни бажарадиган функциялари билан тифиз боғлиқ бўлиб, унинг ҳаракати ташкилий тузулмалар орқали тартибга солинади.

Бозор муносабатларининг тобора чуқурлашуви ўзига хос бозор инфратузилмалари тизими ривожланишини рағбатлантирмоқда. Бугунги кунда давлат ўзинг хусусийлаштириш, давлат сектори буюртмаларини тақдим этиш ёки давлат харидини амалга оширишда давлат органларининг бевосита иштирокидан воз кечган ҳолда, ихтисослашган биржалар савдоларидан, брокерлик фирмалари хизматларидан фойдаланмоқда. Бунинг самарасида бир томондан, бозор инфратузилмаларини ривожлантириш, иккинчидан эса, иқтисодиётни либераллаштириш, давлатнинг хўжалик муносабатларига аралашувини сезиларли даражада камайтириш имконияти туғилмоқда.

Мамлакатимизда, шу жумладан, Қашқадарё вилоятида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳалари ривожланишидаги мазкур устувор йўналишларни ҳисобга олган ҳолда вилоят учун хос бўлган таклифлар ишлаб чиқилди.

Ижтимоий хизматлар бозор механизми моҳияти бозор субъектларини бепул ва пуллик хизматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айрибошлаш ва истеъмол қилиш жараёндаги иқтисодий фаолиятларини ягона алоқалар тизимида намоён бўлади. Ушбу жараёнда бозор механизми бир қатор функцияларини бажаради. Уларга ташкилий-бошқарув, тақсимлаш, айрибошлаш, истеъмол таркибини шакллантириш, баҳолаш, рағбатлантириш, такрор ишлаб чиқариш иштирокчиларини жамиятдаги ижтимоий ва иқтисодий жавобгарлигини таъминлаш кабиларини киритиш мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ижтимоий инфратузилма фаолиятининг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар асосланди.

ХУЛОСА

Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш йўллари назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилиб бу борада ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиб, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти талабларидан ва мамлакатимизни ўзига хос тараққиёт йўлида қўлланилаётган иқтисодий модел принципларидан ва функцияларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги хулосаларга келинди.

1. Ижтимоий инфратузилма соҳасининг ҳолати ва ривожланиш таҳлили амалга оширилди ва бу соҳани ривожлантиришнинг объектив зарурлиги асосланди. Ушбу соҳани ривожлантириш унинг вилоят ҳудудий ялпи маҳсулотига улушини кўпайтиришга, иқтисодиётда бандлик даражасини оширишга давлат бюджетига тўланадиган солиқлар ва бошқа тушумларни кўпайтиришга, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини вазифаларини муваффақиятли амалга ошишига олиб келиши кўрсатиб берилди ва истиқболда бу жараённинг давом этишига аниқлик киритилди.

2. Тадқиқотлар натижаси ижтимоий соҳасида самарадорлик кўрсаткичларнинг даражаси турли йўналишларда ҳар-хил турли натижа беришини кўрсатди. Ижтимоий йўналтирилган бозор шароитида бепул ва пуллик ижтимоий хизматларни бир-бирига нисбатан мутаносиб ривожлантириш лозими кўрсатиб берилди.

3. Ижтимоий соҳаси билан шуғулланадиган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар, микро ва макро даражада уларни ошириш имкониятлари очиб берилди. Бозор муносабатлари шароитида аҳолига хусусий стоматологик хизмат турини кўрсатиш аҳамияти муҳимлигидан келиб чиқиб, ушбу соҳа самарадорлигини ошириш имкониятларига алоҳида эътибор қаратилди. Ҳозирги кунда бу йўналишда бозор ва рақобат муҳити яратилган.

4. Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва самарадорлигини баҳолашда унга таъсир этувчи ташқи ва ички омиллар таъсири таҳлил қилинди, микро ва макро даражада Ижтимоий соҳасида самарадорликни оширишга доир кўплаб имкониятлар мавжудлиги аниқланди. Ушбу имкониятларни ишга солиш йўллари кўрсатиб берилди. Юқорида таъкид этиб ўтилган илмий назарий тавсияларимиз ижтимоий соҳа амалиётида қўлланилса, ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришда ички имкониятлар аниқланади ва соҳанинг микро, макро даражада самарали ишлаши учун қулай шароит юзага келади. Ушбу ҳолат ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида ва жамиятни модернизациялаш жараёнида бугунги кунда ўта муҳим чора - тадбирлардан бири бўлиб ҳисобланади.

5. Қашқадарё вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси томонидан тайёрланган социологик сўровномалар ўрганилди ва улар асосида ўтказилган тадқиқотларимиз кўрсатдики, кўпчилик тадбиркорлар бугунги бозор иқтисодиёти шароитида пуллик ижтимоий хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш ҳақидаги умумий тушунчаларга эгадирлар. Ижтимоий хизматларни ривожлантиришда аралаш, экспорт, импорт ва оила хўжаликларига оид тадбиркорлики ривожлантириш борасида давлатнинг ролини ошириш лозимлиги асосланди. Бу борада стандартлаштириш ва ижтимоий хизматлар турларини кўпайтириш борасида тавсиялар ишлаб чиқилди.

6. Ижтимоий инфратузилма соҳаси мамлакатнинг ижтимоий иқтисодий ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у нафақат инсонни, балки бутун бир жамиятдаги тизимни такомиллаштириш ва ривожлантиришни имкониятини яратади. Вилоятимиз иқтисодиёти тизимида амал қилиб турган ижтимоий инфратузилма қуйидаги таркибий тузилмага ажратиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

– давлат томонидан амалга ошириладиган хизматлар;

- тижорат тармоқлари томонидан амалга ошириладиган хизматлар;
- нотижорат тармоқлари томонидан амалга ошириладиган хизматлар;
- уй хўжалиги томонидан амалга ошириладиган шахсий хизматлар;
- аралаш, ҳамкор, экспорт, импорт томонларидан амалга ошириладиган хизматлар.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т., Ўзбекистон, 2003 йил.
2. «Меҳнат кодекси». 1995 йил 21 декабрь.
3. «Фуқаролик кодекси». I-қисм, 1995 йил 21 декабрь.
4. «Фуқаролик кодекси». II-қисм, 1996 йил 29 август.
5. «Солик кодекси» (янги таҳрири). 2008 йил 1 январь.
6. «Корхоналар тўғрисида». Қонун. 1993 йил 7 май.
7. «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида». Қонун. 1993 йил 7 май.
8. «Стандартлаштириш тўғрисида». Қонун. 1993 йил 28 декабрь.
9. «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида». Қонун. 1993 йил 28 декабрь.
10. «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида». Қонун. 1996 йил 24 апрель.
11. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида». Қонун. 1996 йил 30 август.
12. «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида». Қонун. 1996 йил 27 декабрь.
13. «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида». Қонун. 1997 йил 30 август.
14. «Инвестиция фаолияти тўғрисида». Қонун. 1998 йил 24 декабрь.
15. «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида». Қонун. 1998 йил 24 декабрь.
16. «Баҳолаш тўғрисида». Қонун. 1999 йил 19 август.
17. «Табиий монополиялар тўғрисида» (янги таҳрири). Қонун. 1999 йил 19 август.
18. «Гадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида». Қонун. 2000 йил 25 май.

19. «Аудиторлик фаолияти тўғрисида» (янги таҳрири). Қонун. 2000 йил 26 май.
20. «Давлат статистикаси тўғрисида». Қонун. 2002 йил 12 декабрь.
21. «Банкротлик тўғрисида» (янги таҳрири). Қонун. 2003 йил 24 апрель.
22. «Мулкчилик тўғрисида». Қонун. 2003 йил 7 май.
23. «Хусусий корхоналар тўғрисида». 2003 йил 11 декабрь.
24. «Фермер хўжалиги тўғрисида» (янги таҳрири). Қонун. 2004 йил 26 август.
25. «Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим Қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида». Қонун. 2007 йил 14 декабрь.

II. Президент асарлари

1. Каримов И.А. Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. - Т.: Ўзбекистон, 1996. - 364 бет.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-том. - Т.: Ўзбекистон, 1996.-380 бет.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том. - Т.: Ўзбекистон, 1996. - 366 бет.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлида. 4-том. - Т.: Ўзбекистон, 1996. – 349 бет.
5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби 5-том. - Т.: Ўзбекистон, 1997.-384 бет.
6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. - Т.: Ўзбекистон, 1998. - 429 бет.
7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. 7-том. - Т.: Ўзбекистон, 1999. - 412 бет.
8. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-том. - Т.: Ўзбекистон, 2000. - 528 бет.

9. Каримов И.А. Ватан равнаки учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-том. - Т.: К; Ўзбекистон, 2001. - 432 бет.
10. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-том. - Т.: Ўзбекистон, 2002. - 432 бет.
11. Каримов И.А. Биз танлаган йул - демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йули. 11-том. - Т.: Ўзбекистон, 2003. - 318 бет.
12. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз учун куч қудратимизга, ҳамжиҳатлигимизга ва қатъий иродамизга боғлиқ. 12-том. - Т.: Ўзбекистон, 2004. - 400 бет.
13. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайдди. 13-том. - Т.: Ўзбекистон, 2005. - 448 бет.
14. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари - олий қадрият. 14-том. Т.: Ўзбекистон, 2006. - 280 бет.
15. Каримов И. А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш - барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. 15-том. - Т.: Ўзбекистон, 2007. - 320 бет.
16. Каримов И.А: Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. 16-том. - Т.: Ўзбекистон, 2008. - 368 бет.
17. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш - бизнинг олий мақсадимиз. 17-том. - Т.: Ўзбекистон, 2009. - 280 бет.
18. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш - барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислоҳотларимизнинг пировард мақсадидир. - Т.: Ўзбекистон, 2007. - 200 бет.
19. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. - Т.: Ўзбекистон, 2008. - 176 бет.

20. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Президент И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи. 2007 йил 31 август.

21. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш - давр талаби. Президент Ислам Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи. 2009 йил 14 февраль.

22. Каримов И.А. Ўзбекистон конституцияси - биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. Президент И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. //Халқ сўзи. 2009 йил 6 декабрь.

23. Каримов И.А. Асосий вазифамиз - Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Президент Ислам Каримовнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи. 2010 йил 30 январь.

24. Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Президент Ислам Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи. 2012 йил 20 январь.

25. Каримов И.А. Бош мақсадимиз - кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Президент Ислам Каримовнинг 2012 йилнинг асосий якунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи. 2013 йил 19 январь.

26. Каримов А.И. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Президент Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2013-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

// Халқ сўзи. 2014 йил 18 январь.

III. Президент Фармонлари, Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, турли дастурлар, йўриқнома ва бошқа меъёрий ҳужжатлар

1. «2005-2006 йилларда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида». Қарор. 2005 йил 14 март.
2. «Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида». Фармон. 2005 йил 14 июн.
3. «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида». Фармон. 2005 йил 14 июн.
4. «Тадбиркорлик субъектлари тамонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида». Қарор. 2005 йил 15 июнь.
5. «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида». Фармон. 2005 йил 20 июнь.

6. «Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида». Фармони. 2005 йил 24 июнь.
7. «Ташқи иқтисодий ва савдо алоқалари, хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида». Фармон. 2005 йил 21 июль.
8. «Улгуржи ва чакана савдони либераллаштириш ҳамда уни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш чора-тадбирлари тўғрисида». Фармон. 2006 йил 23 февраль.
9. «Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида». Қарор. 2006 йил 6 март.
10. «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга кўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида». Қарор. 2006 йил 24 май.
11. «2010 йилгача Ўзбекистон Республикасида микромолиялаштиришни ривожлантириш дастури тўғрисида». ВМ қарори. 2007 йил 8 июн.
12. «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида». Қарор. 2006 йил 18 апрель.
13. «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида». Қарор. 2007 йил 23 май.
14. «Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида». Фармон. 2008 йил 20 октябрь.
15. «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш

чора-тадбирлари дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ-4058-сонли Фармони.

16. «Иқтисодиётнинг реал сектори соҳасида корхоналарни ва инвестицион фаолликни кредит пули билан қўллаб-қувватлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2008 йил 31 декабрда қабул қилинган 288-сонли қарори.

18. «Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 10 январдаги ПК;-1041-сонли қарори.

19. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили Давлат дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги ПК-1046-сонли қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги ПК-1047-сонли «Озиқ овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори.

21. Ўзбекистон Республикаси умумий овқатланиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш қоидалари. Вазирлар маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сон Қарори.

IV. Китоблар ва туркум нашрлар

1. Бир томлик китоблар, монографиялар, дарсликлар, мақолалар

тўплами:

1.1. Анализ экономики. Страна, рынок, фирма. Под ред. Проф.В.Е.Рыбалкина. Учебник. - М. Международные отношения, 1999. - 304 с.

1.2. Абдукаримов ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. Дарслик. - Т.: «Fan va technology», 2007. - 288 бет.

1.3. Акбарова З. Товар ва хизматлар бозори статистикаси. Ўқув қўлланма. - Т.: «Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти», 2004. - 144 бет.

- 1.4. Будко И.И. Транспортное обслуживание туризма: учебное пособие. - М.: Издательский центр «Март», 2006. - 336 с.
- 1.5. Волков Ю.Ф. Экономика гостиничного бизнеса. Учебное пособие. - Ростов Дон.: Феникс, 2005. - 380 с.
- 1.6. Ибрагимов Р. Маркетинг. Дарслик. - Т.: Шарқ. 2002. - 256 бет.
- 1.7. Кэмбел Р. Макконелл. Стенли Л.Бю. Экономикс. Принципы, проблемы и политика. 1-2 книги. - М.: Республика, 1993.
- 1.8. Пардаев М.Қ. Инвестиция лойихасининг молиявий таҳлили. Маърузалар матни. - Самарқанд: СамКИ, 2000.
- 1.9. Самуэльсон П.А. Экономика. - М.:МГП. «Альтон», ВНИИСИИ, 1992.
- 1.10. Сариков Э., Маматов М. Иқтисодиёт ва бизнес асослари. Ўқув қўлланма. -Т.: «Шарқ», 1997.
- 1.11. Смиidt А. Исследование о природе и причинах богатства народов. - М.: Соцэкгиз, 1962.
- 1.12. Тухлиев Н., Ўзбекистон иқтисодиёти. - Т.: Ўқитувчи, 1994 ва 1998.
- 1.13. Учебник по основам экономической теории. - М.: ВЛАДОС, 1994.
- 1.14. Файзиев Э.С. Сервис соҳасининг иқтисодиётдаги ўрни. Рисола. - Т.: «Fan va texnologiya» 2007. — 16 бет.
- 1.15. Федцов В.Г. Культура гостинично-туристского сервиса. Учебное пособие. I - Ростов Дон.: «Феникс», 2008. - 503 с.
- 1.16. Эшмухамедов А.Э. ва бошқалар. Бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётнинг ривожланиши. - Т.: «Ўқитувчи», 1996.
- 1.17. Экономическая теория. Учебник для студентов ВУЗ, обучающихся по экономическим специальностям. - Т.: «Шарқ», 1999.
- 1.18. Экономический анализ деятельности предприятий. Под ред. Н.В.Дембинского. - Минск: «Высшая школа», 1981.
- 1.19. Ўлмасов А. Оила иқтисоди. - Т.: «Меҳнат», 1998.

- 1.20. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. - Т.: «Меҳнат», 1996.
- 1.21. Қудратов Ғ.Ҳ, Пардаев М.Қ., Абдукаримов Б. А. Сервис ривож-аҳолининг бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини ошириш омили. Рисола. - Т.: «Фан ва технология», 2007. - 28 бет.
- 1.22. Қудратов Ғ.Ҳ., Мирзаев Ҳ.Ж., Пардаев М.Қ. Агросервисни ривожлантиришнинг асосий йуналишлари. Рисола. - Т.: «Fan va texnologiya», 2007.-16 бет.
- 1.23. Шарипов А.Ю. Социальная инфраструктура в концепции ускорения. Изд. Новосибирского Университета, 1990.
- 1.24. Ўлмасов А. «Иқтисодиёт асослари». Ўқув қўлланма. Т.: «Меҳнат». 1997.
- 1.25. Шодмонов Ш.Ш . Жўраев Т.Х. «Иқтисодиёт назарияси». Ўқув қўлланма. Т.: «Меҳнат». 2003.
- 1.26. Парпиев У. Саломов И. «Бозор иқтисодиёт асослари ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш». Т.: «Шарқ», 1996
- 1.27. Пардаев М.Қ., Мусаев Ҳ.Н ва муаллифлар жамоаси таҳрири остида «Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш муаммолари ва уларнинг ечимлари». Самарқанд: «Иқтисодиёт ва молия», 2008.
- 1.28. Шохўжаева З.С., Худойбердиева У.К. Қишлоқ аҳоли турмуш даражасини яхшилашда ижтимоий инфратузилманинг ўрни ва аҳамияти. // Обод турмушни таъминлашда иқтисодиётни ва инновацион фаолиятни такомиллаштириш муаммолари: республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Самарқанд - 2013. – Б. 150-153.
- 1.29. Шохўжаева З.С., Худойбердиева У.К. Замонавий уй-жойлар – қишлоқ аҳолиси яшаш сифатини яхшилашнинг асосий омили // Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигини ошириш ва инновацион фаолиятини такомиллаштириш муаммолари:

республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Самарқанд - 2014. – Б. 46-49.

1.30. Худойбердиева У.К. Ижтимоий инфратузилма соҳаси самарадорлигини оширишнинг бозор механизмларини такомиллаштириш // Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигини ошириш ва инновацион фаолиятини такомиллаштириш муаммолари: республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Самарқанд - 2014. – Б. 139-143.

1.2. Кўп томлик китоблар

1.2.1. Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил. 2 томлик. Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи». 2001.- 1-қисм –Б.176 ва 2- қисм - Б. 256

1.2.2. Пардаев М.К. Иқтисодий таҳлил. 6 томлик. (Қўлёзма ҳуқуқида) - Самарқанд, СамИСИ, 2007.

1.2.3. Р.И.Хасбулатова. Международные экономические отношения. - В 2-х томах. – М.: «Новости». 1991.

V. Статистик тўплалар

1. Қашқадарё вилояти Иқтисодиёт Бош бошқармаси маълумотлари.
2. Қашқадарё вилоят Қарши тумани иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари.
3. Қашқадарё вилояти бондликка кўмаклашиш бошқармаси ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш маркази маълумотлари.

VI. Интернет сайтлари

1. <http://www.gov.uz> – Ўзбекистон Республикасининг давлат портали
2. <http://www.mehnat.uz> – Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги сайти.
3. <http://www.mineconomy.uz> – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг сайти.

Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари сони
(деҳқон ва фермер хўжаликларисиз)

(бирлик)

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар		Фаолият кўрсатаётганлар улуши, фоизда		Фаолиятини тугатганлар	
	1.01.2013й	1.01.2014й	1.01.2013й	1.01.2014й	1.01.2013й	1.01.2014й	1.01.2013й	1.01.2014й
Жами	20529	20430	16686	16087	81.3	78.7	1728	1832
шаҳарлар:								
Қарши	4334	3991	3836	3275	88.5	82.1	649	640
туманлар:								
Ғузур	1245	1254	1025	831	82.3	66.3	98	89
Дехқонобод	872	953	801	887	91.9	93.1	23	27
Қамаши	1460	1498	1278	1270	87.5	84.8	60	50
Қарши	1235	1331	1063	1118	86.1	84.0	52	61
Косон	1578	1674	1247	1409	79.0	84.2	64	87
Китоб	1523	1518	1148	1209	75.4	79.6	87	101
Миришкор	613	636	560	593	91.4	93.2	30	16
Муборак	942	986	600	667	63.7	67.6	45	31
Нишон	690	563	368	397	53.3	70.5	58	177
Касби	721	743	584	648	81.0	87.2	35	47
Чироқчи	1702	1644	1365	1226	80.2	74.6	138	247
Шаҳрисабз	2071	2038	1569	1637	75.8	80.3	234	197
Яккабоғ	1543	1601	1242	920	80.5	57.5	155	62

Қашқадарё вилояти бўйича 2013 йилда кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг асосий кўрсаткичлари

(фоизда)

	Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг улуши								Кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг улуши					
	ЯХМ		Меҳнатда банд аҳолининг умумий сонидан		Экспортда		Импортда		Меҳнатда банд аҳолининг умумий сонидан		Экспортда		Импортда	
	2012й.	2013й.	2012й.	2013й.	2012й.	2013й.	2012й.	2013й.	2012й.	2013й.	2012й.	2013й.	2012й.	2013й.
Жами	51.4	51.4	77	77.8	18.1	22.7	34.5	57.9	16.9	16.9	18.1	22.7	34.5	57.9
Қарши ш.	х	х	64	64.8	85.6	87.3	93.1	89.7	11.3	11.3	85.6	87.3	93.1	89.7
туманлар:														
Ғузор	х	х	67.6	69.1	-	-	0.7	1.1	15.5	15.5	-	-	0.7	1.1
Дехқонобод	х	х	80.8	81.8	0.1	1.6	2.1	1.6	11.3	11.4	0.1	1.6	2.1	1.6
Қамаши	х	х	84.9	85.6	14.1	8.9	100	100	16.2	16.2	14.1	8.9	100	100
Қарши	х	х	77.9	78.5	0.1	0.8	94.5	100	14.5	14.5	0.1	0.8	94.5	100
Косон	х	х	81.7	82.5	3.6	4.7	55.8	90.9	21.8	21.7	3.6	4.7	55.8	90.9
Китоб	х	х	76.8	77.7	100	100	100	100	18.5	18.5	100	100	100	100
Миришкор	х	х	88.1	88.6	-	-	11.5	100	27.7	27.5	-	-	11.5	100
Муборак	х	х	66.3	66.9	-	-	0.8	3.5	17.1	17	-	-	0.8	3.5
Нишон	х	х	83.1	83.7	-	0.3	4.2	0.5	21.2	21.2	-	0.3	4.2	0.5
Касби	х	х	75.9	76.3	-	-	4.4	100	27.1	27.1	-	-	4.4	100
Чироқчи	х	х	79.1	80.4	1.3	-	100	100	15.2	15.1	1.3	-	100	100
Шахрисабз	х	х	80	80.4	1.2	2.9	73.5	79.1	12.5	12.5	1.2	2.9	73.5	79.1
Яккабўғ	х	х	81.8	82.6	11.9	9.8	92.1	90.9	18.5	18.5	11.9	9.8	92.1	90.9

